



Гиритпоним, онамсан ~ Ватан

13-бет

# Ishonch

2008-yil

18 sentabr

№ 115

(2528)

payshanba

Ijtimoiy-iqtisodiy gazeta \* E-mail: ishonch-doverie@mail.ru \* Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqq boshlagan

## Ракурс

### Мактуб уятдан қизармайди

«Қоғоз ҳамма нарсага бардошлидир». Бундан салкам 22 аср аввал Цицерон айтган бу гап қанчалик тўғри-я?! Ёзувда хоҳлаган нарсани ифодалаш мумкин. Инсоният томонидан кашф этилган бу ихтиро буюк мўъжизалар сирасига киради.

Бироқ... Масаланинг ана шу «бирок»и оғрикли. Имло қоидаларига амал қилмай битаётган сўзларимиз, англамай ёзилаётган гаплар уволи тутмасмикан?.. Кўчага чиқсангиз ҳам, телевизорга «тикилсангиз» ҳам, ҳатто китобларда ҳам хатолар кўзга «қадалаверади».

Қашқадарё томонларга йўлимиз тушиб қолди. Узоқ йўл давомида белгилардаги ёзувларни ўқиб борардим. «Zangiota», «Chinoz», «Yangiyo'!»... «Yangier»... Сўнгисини тушунмадимми ёки мамлакатимизда янги географик ҳудуд очилди? Биргина «уе» ва «ени фарқлай олмаслик туфайли қанчалар гализлик вужудга келганини кўринг! «Ё», «е», «ю», «я» ҳарфларининг лотин алифбосига асосланган янги ўзбек ёзувидаги муқобиллари ҳарф эмас, ҳарфий бирикма эканлиги кўп ўринларда унутилмоқда:

«FHDYO», «AYOQSH» каби хато қисқартмалар фикримизнинг далилидир (иккаласида ҳам «О» ортиқча). Қоғоз ҳамма нарсага бардошли. У уятдан қизармайди ҳам. Чунки унинг масъулияти хат битувчининг зиммасига юкланади. Яна билмадим...

Дилдора РАҲМОНОВА



## Парвозлар янада қулай ва хавфсиз бўлади

«Тошкент» аэропортида янги «Ил-114-100» самолётида «Тошкент-Қарши-Тошкент» йўналиши бўйича амалга оширилган илк парвоз тақдироти бўлиб ўтди.

Таъкидлаш жоизки, мазкур ҳаво кемаи мамлакатимиз авиасозлари томонидан миллий авиакомпаниямизга тақдим этилган иккинчи лайнер ҳисобланади.

Соҳа мутахассисларининг фикрига кўра, «Ил-114-100» лайнери замонавий авиаташишлар бозорининг барча талабларига жавоб беради ва учиш-техник ҳамда тежамкорлик хусусиятларининг уйғунлиги билан ажралиб туради. Бу эса ёқилги нар-

хи тобора ортиб бораётган ҳозирги шароитда жуда муҳим аҳамият касб этади. Масалан, «Ан-24» самолёти «Ил-114-100» лайнерига қараганда 50 фоиз кўп ёқилги сарфлайди. Янги самолёт нафақат конструкция параметрлари, балки бошқа барча ўзига хос жиҳатлари билан ҳам ажралиб туради. Самолёт синовдан жуда яхши ўтди.

«Ил-114-100» лайнери тўлиқ модернизация қилинган. Экипаж кабинаси, унинг ускуналари ва бошқарув пулти жойлашуви ўзгартирилган. 52 йўловчи учун мўлжалланган самолётга янги ускуналар ўрнатил-


гани сабабли унинг вазни анча камайган ва бу ҳаво кемасининг олис масофага парвоз қилиш имкониятини кенгайтиради.

«В.П.Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси» давлат-акциядорлик жамияти миллий авиакомпаниямиз учун йил охиригача яна битта «Ил-114-100» самолётини етказиб беради. Жами 8 та шундай лайнер ишлаб чиқарилади. Улар «Як-40» ва «Ан-24» самолётлари ўрнини эгаллайди ва парвозлар йўловчилар учун қулай ҳамда хавфсиз бўлишига хизмат қилади.

В.НИКОЛАЕВ,  
ЎЗА мухбири



## Анонс



Ухламайдиган шаҳар

4-БЕТ



Сокинлик қирғоғида

12-БЕТ



Сотилмаган Мирон Козма

15-БЕТ

Май ойининг бошларида Хитой Халқ Республикаси компания ва фирмаларининг бир гуруҳ вакиллари Сирдарё вилоятида бўлишди. Улар вилоят ҳаёти билан ақиндан танишиб, Гулистон шаҳридаги қатор саноат корхоналарини бориб кўришди. Меҳмонлар фермер ва тадбиркорлар билан учрашганларида, хорижий инвестицияни жалб этиш, қишлоққа саноатни олиб кириш, ишлаб чиқаришни ривожлантиришга оид фикрларини баён этиб, сирдарёлик фермерларни ҳам ўз мамлакатларига таклиф қилишди.

## Манфаатлар муштарак...

Ушбу таклифга кўра, 32 нафар фермер ва тадбиркор Хитой Халқ Республикасининг Урумчи шаҳрида бўлиб қайтди. Сафар давомида юртдошларимиз кўплаб компания ва ишбилармон тадбиркорлар фаолиятига эътибор қаратишди. Хусусан, хитойликларнинг мевасабзавот, полиз, чорвачилик маҳсулотларини қайта ишлаб қадоқловчи замонавий ускуналари ва бошқа кўплаб минитехнологиялари катта қизиқиш уйғотди. Етти кунлик сафар давомида мирзачўллик фермерлар ва Хитой компаниялари ўртасида умумий қиймати 800 минг доллар миқдорида бўлган минитехнологиялар таъминоти бўйича шартнома тузилди. Тадбиркорларимиз эса пишиқ гишт, пластик черепица каби қурилиш маҳсулотлари ва замонавий иссиқхоналар бунёд этиш юзасидан 600 минг доллар миқдоридаги шартномаларни имзоладилар.

Фермер ва тадбиркорларнинг навбатдаги гуруҳи Хитойга сафар тадоригини кўрмоқда.

**Анорбой НОРКУЛОВ,**  
«Ishonch»нинг жамоатчи мухбири

## Бир кўнгилни обод эт!

Кумкўргон туманидаги «Бўстон» маҳалла фуқаролар йиғинида 728 оилага жамланган 3890 нафар аҳоли истиқомат қилади. Улар аҳил-иноқ, юксак ва олижаноб фазилатларга эга инсонлардир.

— Илгари қишлоқ аҳли сиқилиб яшарди. Йўлларимиз тор, томорқаларимиз ҳам етишмасди. Сув, табиий газ йўқ эди. Энди буларнинг бари барҳам топди, — дейди маҳалла раиси У.Алимадонов. — Худудимизда 2 та умумтаълим мактаби, 2 та қишлоқ врачлик пункти, 1 та савдо, 5 та тижорат дўкони, маиший хизматнинг барча турлари мавжуд. 1 та пахта тозалаш цехи ишлаб турибди. Булар маҳалла аҳолисининг оғирини енгиллаштирмоқда. Ҳар ойда «Маҳаллам тарихини ўрганаман», «Кўркам уй», «Энг обод кўча», «Сариштали келин» каби кўрик-танловлар ўтказилиб келинмоқда. «Бўстон» маҳалласида ободонлаштириш, ёшлар билан ишлаш, нотинч оила-ларни яраштириш каби бир қатор махсус доимий комиссиялар тузилганки, уларнинг фаолиятидан барча мамнун.

**Рустам ДАВЛАТ,**  
«Ishonch» мухбири

## Халқаро лойиҳа тақдимоти

Яқинда Қаршида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Тараққиёт дастури ва вилоят ҳокимлиги ҳамкорлигида амалга ошириляётган «Худудларни комплекс ривожлантириш» лойиҳаси асосида яратилган Қашқадарё худудий ривожланиш стратегиясининг тақдимоти бўлиб ўтди.

«Афсона» меҳмонхонаси конференц-залида уюштирилган бу муҳим тадбирда хорижий ва маҳаллий экспертлар, жамоат ташкилотларининг раҳбарлари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этдилар.

— Лойиҳани тайёрлашга 2007 йилнинг декабрида киришилди, ўшанда вилоятнинг давлат, нодавлат нотижорат ташкилотлари, халқаро агентликлар, таълим ва илмий тадқиқот муассасалари вакиллари, маҳаллий ва халқаро экспертлардан иборат ишчи гуруҳи тузилган эди, — дейди стратегиянинг асосий муаллифларидан бири, Италиядаги Флоренция университети профессори жаноб Жованни Андреа Корниа. — Минтақа тараққиёти истиқболларини ўрганиш жараёнида воҳа раҳбарияти билан ўтказилган музокаралар, тегишли мутахассислар билан уюштирилган учрашувлар жуда муҳим рол ўйнади.

Халқаро маслаҳатчи Жованни Андреа Корниа ва Шейла Марни хоним томонидан яратилган стратегиянинг асосий йўналишларини ишлаб чиқишда республика идора ва вазириликлари, Марказий банк мутасаддилари томонидан билдирилган фикр ва мулоҳазалар, Тошкентдаги бир қатор стратегик ва тадқиқот марказлари экспертлари томонидан берилган маслаҳатлар, Осиё тараққиёт банки, ЮНИСЕФ, Жаҳон банки ва БМТ Тараққиёт дастури сингари халқаро ташкилотларнинг тавсиялари инобатга олинган.

Мустақиллик шарофати билан агросаноат мажмуи юксалишининг ойдин йўлига ўтиб олди. Воҳада мамлакатда энг кўп ғалла ва пахта етиштириляпти. Шунинг учун ҳам янги лойиҳада фермер ва деҳқон хўжалиқларига етказилаётган кўмак миқдори ва миқёсини ошириш, уларга кўшимча итмиёзлар ва эркинликлар бериш, хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, меҳнат миграцияси муаммоларини ҳал этиш, чет элга ишга борадиган фуқароларни ижтимоий ҳимоялаш вазифалари алоҳида ҳисобга олинган. Вилоят ҳокимлигидан маълум қилишларича, лойиҳани кредитлаш жараёнида асосий эътибор табиий газ, ичимлик суви, иссиқлик ва электр энергияси каби ижтимоий инфратузилма камчиликларини бартараф этиш, бу соҳага ажратилаётган маблағлар миқдорини ошириш ва улардан тежамкорлик билан фойдаланишга қаратилади.

— Виллоятимизнинг истиқболи порлоқ, — дейди Нишон тумани Пахтаобод қишлоғидаги фермер хўжалиги раҳбари, сенатор Бован Усмонов. — Халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик воҳанинг иқтисодий кўрсаткичларини янада ўстириш, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришни жадал ривожлантириш имконини беради. Янги лойиҳа, жаҳон ҳамжамияти билан ҳамкорлик туфайли деҳқонларимиз меҳнати самарасини бутун дунё тан оляпти.

**Иzzат ХИКМАТОВ,**  
«Ishonch» мухбири

Утадиган дунёда инсон ўз қисматини қаердан билсин! Насиба тугагач, ҳаётдан кўз юмиш, фаний дунёни тарк этиш ҳамма-нинг бошида бор. Аммо ҳаётдан эрта кетганлар, ўн гулидан бир гули очилмай ҳазон бўлганларнинг ортида қолганлари бир умр армонда яшайдилар.

## Товон пули ундирилди

Ғиждувон тумани «Боғишамол» қишлоқ врачлик пунктининг мудури Зайниддин Эсанов 2008 йилнинг 19 апрел кунини соат 15.00да хабарномага асосан бемор аҳолидан хабар олиш учун чақирувга бораётган пайтида автоҳалокатга учраб, ҳаётдан бевақт кўз юмди.

Вилоят давлат техник назоратчиси бошчилигида тузилган махсус комиссия томонидан автоҳалокатнинг ишлаб чиқариш билан боғлиқ эканлиги тасдиқланиб, Н-1 шаклдаги далолатнома тузилди ва «Ходимларга уларнинг меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда жароҳатланиши, касб касалликларига чалиниши ёки саломатликнинг бошқа хил шикастланиши туфайли етказилган зарарни тўлаш қоидалари»га асосан марҳумнинг оиласига бир марталик тоvon пули ва боласи 18 ёшга тўлгунга қадар ҳар ойда тўланадиган нафақа тайинлаш тўғрисида тавсиянома берилди.

Аммо бу тўловлар пайсалга солиб келинганлиги сабабли марҳумнинг хотини Ш.Қурбонова вилоят Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшма кенгашига ариза билан мурожаат қилди.

Ҳақиқат қарор топди. Вилоят тармоқ касаба уюшма кенгашининг аралашуви, вилоят молия бўлимининг саъй-ҳаракатлари туфайли марҳумнинг оила аъзоси (хотини Ш.Қурбонова)га эрининг улими учун бир марталик тоvon пули — 14 миллион 134 минг сўм ундириб берилди ва боласи 18 ёшга тўлгунга қадар ҳар ойда 39.261 сўм нафақа тайинланди.

Бир қарашда муаммо ечимини топгандек. Аммо масаланинг бошқа томони бор, эндигина 52 ёшни қаршилаган бир инсон эрта сўнган юлдуз каби оламдан ўтди. Унинг орқасида бир муштипар аёл, 3 нафар фарзанди қолди.

Модомики, меҳнатни муҳофаза қилиш инсон саломатлиги билан боғлиқ экан, бу муҳим вазифа ҳамisha эътиборимизда бўлиши керак.

**Ш.СУЛТОНОВ,**  
Бухоро вилояти Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшма кенгаши раиси

## Рағбат — изланиш меваси

Тошкент вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши томонидан республикамиз олий ўқув юртлари ҳамда ўрта махсус касб-хунар коллежларида билим олаётган кам таъминланган, кўп болали оилалар фарзандларига стипендия ташкил этилган бўлиб, шу кунга қадар 59 нафар иқтидорли талаба ва ўқувчига 6,7 миллион сўмлик устама стипендиялари берилди.

Кунини кеча вилоят кенгаши «Ёшлар йили»га бағишлаб яна бир тадбир ўтказди. Унда вилоятдаги олий ва ўрта махсус касб-хунар коллежларидаги талабалар турар-жойларида ўтказилган «Энг намунали талабалар уйи» кўрик-танлови ғолиблари эсдалик совғалари билан тақдирландилар. Биринчи ўрин Тошкент Фармацевтика институти, 2-ўрин Чирчиқ олимпия захиралари коллежи, 3-ўрин эса Тошкент Аграр университети 3-талабалар турар-жойларига насиб этди.

Шунингдек, бирлашма кенгаши томонидан қабул қилинган қарорга асосан ўрта махсус касб-хунар коллежларининг 10 нафар ўқувчига махсус стипендия топширилди.

**Н.РАФИҚОВ**

## Ёш олимлар — Самарқандда

Самарқандда ЎзФА ва унинг вилоятдаги бўлими, Ёш олимлар миллий жамияти ҳамда Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши томонидан «Табиий фанларнинг долзарб муаммолари» мавзусидаги республика илмий-амалий конференцияси ўтказилди.

Анжуманда Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши раиси Носирхон Акбаров, Самарқанд давлат университети ректори, профессор Темир Широнов сўз олиб ёш олимлар олдида турган вазифалар, уларга яратилган имконият ҳақида фикр билдиришди.

Сир эмас, юртимизда илм олиш ва тадқиқот қилиш учун барча шароит бор. Биргина СамДУ кутубхонаси шарқ кўлэмалари бўлимида 10 мингдан зиёд нодир кўлэмалар сақланмоқда. Интернет орқали тафаккурни бойитишга шароит яратилган бўлса, ЎзФА Самарқанд бўлими, Ўрта махсус касб-хунар таълими бошқармаси ҳамкорлигида Мирзо Улугбек номидаги «Кичик академия» ташкил этилган. Дорилфунун илмий тадқиқотлари ахборотномаси журнали йилига 6 мартаба чоп этилмоқда. Хуллас, ёш олимлар Самарқандда илм олиш учун яратилган имкониятлар билан муфассал таништирилди.

Шундан сўнг олимлар шўьбаларга бўлинган ҳолда бахсу мунозарага киришишди. Физика-математика ва техника фанлари ҳамда кимё, биология ва ер ҳақидаги фанлар бўйича иқтидорлилар

фикрлашди. Гуруҳ раҳбарларининг эътироф этишича, ёш олимлар иқтидор ва салоҳият жиҳатдан анча устун. Улар дунё билан тиллашиб, муайян ўсишга эришган. Шу боис кўтарилаётган масалалар долзарблиги билан муҳим аҳамият касб этади.

Конференция қатнашчиларининг бир гуруҳини мулоқотга чорладик.

**Орифжон Маматкулов, физика-математика фанлари номзоди, СамДУ ёш олимлар жамияти раиси:**

— Мамлакатимизда ёш авлод камолотига эътибор кучли. Хусусан, илм даргоҳимизда ҳам ёш олимларнинг изланишларини рағбатлантириш муттасил амалга оширилмоқда. Айни чоғда 2007-2011 йилларга мўлжалланган 12 та фундаментал, 2006-2008 йилларга мўлжалланган 4 та амалий лойиҳалар амалга оширилди.

**Мирзамурод Жуманмуродов, Нукус давлат педагогика институти физика-математика факултети катта ўқитувчиси, техника фанлари номзоди:**

— Самарқанд анжумани бизда катта таассурот қолдирди. Изланиш олиб бораётган тенгдошларимизнинг амалга

ошираётган тадқиқотлари билан танишдик, фикр алмашдик. Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмасидан миннатдоримиз. Барча шарт-шароитларни яратиб, анжуманининг самарали ўтишига катта ҳисса қўшди.

**Санжар Шеримбетов, ЎзФА Ботаника институти илмий ходими:**

— Баҳс изланишга ундайди. Конференцияда ана шу жиҳатларга эътибор қаратилди. Ёш олимларга барча илмгоҳларда ҳам катта умид билдириляётганига иқдор бўлдик.

**Ҳилола Матиязова, ЎзФА Генетика институти илмий ходими:**

— Касаба уюшмалари таъсис этган, ёш олимларга аталган совринларнинг бирига эга бўлдим. Буни биз ёшларнинг илм йўлидаги камтарона изланишларимизга берилган баҳо, деб биламан.

«Табиий фанларнинг долзарб муаммолари»га бағишланган ёш олимлар конференцияси самарали ўтди. Анжуманда фаоллиги билан ажралиб турган ёшларга Касаба уюшмасининг эсдалик совғалари топширилди.

**Нурилла ШАМСИЕВ,**  
«Ishonch» мухбири

«Ишонга наф келтириш — олий бахт» титловига

**Фузор ака Шахрисабзнинг бош майдонига келиб, сохибкIRON АМИР Темур хайкалини тез-тез зиёрат қилиб туради. Юртбошимиз ташаббуси билан бунёд этилган ёдгорлик пойи доимо гулларга тўла. Хорижий сайёҳлар темиррийлар даврида қурилган осори-атикаларни кўриб, хайратланишади. Ҳар бир шахрисабзлик сингари Фузор ака ҳам мухташам иншоотлар ҳақида фарзандларию набираларига фахр билан сўзлаб беради. Оксарой қалъаси, Дор-уссаодат, Дор-ут-тиловат мадрасаси, ўн-кишининг қулочи етмас баҳайбат чинорлар, яна бир қанча ёдгорликлар қадим тарихнинг сўнмас чироғидир.**



# Кеш осмонидаги юлдузлар

Мармар йўлақлардан оҳиста одимлаб бораётган келин-куёв ёдгорлик пойига гул қўйиб, юзларидан нур ёғилиб турган отахон қаршисида таъзим қилишди.

— Бахтли бўлинглар, болаларим!

Фузор ака ёшларни дуо қилар экан, алғов-далғов билан ўтган умр йўлини бирма-бир хаёлидан ўтказди.

Бундан 44 йил аввал ўрта мактабни битириб, шаҳардаги лойиҳалаштириш гуруҳига ишга кирди. Бир неча йил давомида Эскианҳор қурилиш бошқармаси механизациялашган кўчма колоннасида ишчи ва уста бўлиб ишлади. Ҳисорак сув омбори қурилишида прораб сифатида меҳнат қилди. Кейинчалик Эскианҳор қурилиш трестининг Шахрисабздаги механизациялашган кўчма колоннасида бош муҳандислик вазифасини адо этди. Ташкилотчилик қобилиятини сезган туман раҳбарлари уни хўжалик раҳбарлигига ўтказишди. Сўнг туман ижроия қўмитаси раиси, ҳокимнинг биринчи ўринбосари бўлиб ишлади.

Яхшилик яхшиликка ундайди. Давлатимиз раҳбари бошчилигида юрт ободлиги, эл фаровонлиги йўлида амалга оширилган хайрли ишлар кишиларни янги марраларни эгалашга чорламақда. Фузор ака улуг инсонларга эш бўлиб, уларнинг таълимини олган юзлаб қашқадарёликлар сафида борлиги билан фахрланади.

— Истиқлол туфайли халқимиз ўз кадр-қимматини англаб, муносиб ҳаёт кечириш имконини берадиган ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлди, — дейди Фузор ака мамнуният билан.

Бугун диёримиз жамолига боқиб, кўз тўймайди. Ҳар бир қишлоқ ва маҳаллада озодлик манзаралари...

Фузор ака киндик қони тўкилган қишлоғини яхши кўради. Даласини, пахта, галла ўсган, кўй-кўзи яйраган кенгликларни эъозлайди. Мевага кон боғлардан, бол таъмили узумзорлардан чиққиси келмайди. У яшайдиган ва ишлайдиган туман тоғлар бағрида жойлашгани туфайли аҳолининг барқарор даромад манбаини шакллантириш мақсадида 3000 та деҳқон хўжалиги ташкил этилиб, 1000 гектар ер ажратиб берилди. Бу йил туманда 60 минг тонна помидор етиштирилиб, 22500 тонна томат пастаси ишлаб чиқарилади.

Фузор Маматов Шахрисабз туман агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси кенгаши раислигига сайланганига 9 йил бўлди. Мулк шакли ўзгариши билан касаба уюшмаларининг ҳам иш услуби янгилан-

ди. Янгича шароитда ишлайдиган кадрлар захираси вужудга келди, кишиларнинг ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилиш тақомиллашди.

Фузор ака ҳудудий касаба уюшма ташкилотлари тузиш керак деган ташаббус билан чиқди. Фермер хўжалиқларида меҳнат қиладиган ходимларни ягона ташкилотга бирлаштириш зарурлигини вазият тақозо этарди.

Изланиш самара берди. Бугунги кунда туманда 4 та ҳудудий касаба уюшма ташкилоти бўлиб, уларнинг фаолиятида ўзига хос янгилликлар бор.

Ҳозирги пайтда 43 та бошланғич касаба уюшма ташкилоти 2340 кишини бирлаштирган. Фузор Маматов агросаноат

корхонасида семинарлар ўтказилиб, уларга касабакўм фаоллари билан бирга ҳуқуқшунослар ва кадрлар бўлими ходимлари жалб этилди.

Меҳнат муҳофазаси, касб касалликларининг олдини олиш, зарарли шароитда ишлайдиган



пенсия билан, уларга 28,3 млн. сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди.

Фузор ака олтмиш йиллик баракали ҳаётида умр йўлдоши Офият Тўхтаева билан саккиз фарзандни вояга етказди. Ундан ортиқ набиранинг бобоси сифатида бахтли ҳаёт кечирмоқда.

Фузор ака Қутчи қишлоғида яшайди. Унинг 12 соҳиб томорқаси бор. Кафтдеккина ерига галла экади. Ҳосилни йиғиштириб, ўрнига кунжут экади. Помидор, бодринг етиштиради. Ховлисда курка, товук боқади.

Раиснинг ташаббуси билан Тўдамайдон қишлоғилик Розия Боқиева хўжалигида 1000 та бройлер товугини боқаяпти. «Оқсарой» паррандачилик хўжалигида балиқчилик йўлга қўйилди. Чорвачиликни ривожлантириш касабакўмлар эътиборида.

Ойдин кеча. Салқин ҳаво кайфиятни кўтаради. «Нуроний» жамғармаси туман бўлими раиси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Боқи Эргашев ва Фузор Маматов бошлиқ бир гуруҳ оқсоқоллар шаҳар кўчаларини айланиб юришибди.

Тўлиқ ой ярқираган Кеш осмонида минглаб юлдузлар порлайди. Қариялар уларга боқиб, ният қилишади:

— Илоҳо, осмонимиз мусаффо, юртимиз тинч бўлсин, элдан барака аримасин!

**ИЗЗАТ ҲИҚМАТОВ,**  
«Ishonch» муҳбири

мажмуи ходимлари касаба уюшмалари вилоят кенгаши раёсати аъзоси сифатида Ҳисорак қурилиш бошқармаси, «Пахта тозалаш заводи» очик ҳиссадорлик жамияти, туман шифохонаси, «Шакартери» ҳудудий фермерлар уюшмасида бўлиб, касаба уюшмаларининг фаолиятини ўрганди. Бунда унга туман кенгаши раёсати аъзоларидан Мейликул Рўзиев, Мардон Шокиров, Наргиза Назарова ёрдам беришди. Ўтган йили касаба уюшмаси аъзолари сони 1000 тага кўпайди. Омикта ем тайёрлаш корхонаси, «Шаҳриинтернейшнл» қўшма корхонаси, «Паҳлавон» даволаш маскани бошланғич касаба уюшма ташкилотлари тузилди.

Ҳуқуқ ва манфаатлар ҳимоясининг асосий негизи меҳнат аҳли орасида амалдаги қонун ва норматив ҳужжатларни тарғиб қилишдан иборат. Тумандаги «Донхалқризқи» ҳиссадорлик жамияти, норуда материаллар

ходимларни махсус кийим-бош ва бошқа ҳимоя воситалари билан таъминлаш масалалари касаба уюшмаларининг эътиборида турибди. Ҳамма ташкилотларда меҳнат муҳофазаси жамоатчи вакиллари фаолият кўрсатмоқда.

Бошланғич ташкилотлар билан алоқа мустаҳкамланиб бораёпти. Туманда пахтачилик, галлачилик ва чорвачиликни ривожлантиришда касаба уюшмаларининг муносиб ҳиссаси бор.

Тармоқ кенгаши билан туман ҳокимлиги, савдо-саноат палатаси ўртасида уч томонлама жамоа келишуви тузилган бўлиб, унда касаба уюшма аъзоларининг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий кафолатлари ўз ифодасини топган. Жамоа келишуви, корхона ва хўжалиқларда тузилган жамоа шартномаларининг бажарилиши ҳар олти ойда кўриб чиқилади.

Туманда 29 мингдан зиёд

«Ибрат»



**Исми жисмига монанд, истараси иссиқ Барчиной Боётовани бизга таништирган Янгиқўрғон туман тиббиёт бирлашмасига қарашли ички касалликлар бўлими мудири Ҳошимжон Темиров унинг хислатларини санай кетди:**  
— Бизнинг Барчиной жонкуяр касабакўм раисларидан. Вақти келса ишини деб на ўзига, на ўзига тинчлик беради. Ҳамширалик учун туғилган десам камлик қилади.

Ҳамшираликни йигирма олти йилдан бери эъозлаб келаётган Барчиной, йигирма йилдирки, олтимиш кишидан иборат бўлиб касаба уюшма қўмитасига раҳбарлик қилиб келаяпти.

Қаҳрамонимизни суҳбатга чорлаганимизда, у дастлаб розилик бермагандай:

— Битта менинг жон куйдиришим ҳеч нима бермайди. Қуш қаноти билан учди дейишганидай, бўлимдаги даволаш ишлари самарадорлиги, таъсирчанлиги, қолаверса, бошқа ташкилий тадбирларни уюштириш ўз-ўзидан бўлмаслиги ҳаммага аён.

Кўпроқ устозу издошлари тўғрисида ғурур билан гапира кетди.

— Ҳамшира қизларимизнинг аҳилигига ҳавасим келади. Улар катталар бирор ишни буюришармикан деб кутиб ўтиришмайди. Шу боис бу

## Барчиной — Касабақўм раиси

ердаги тартиб-интизом, беморларга меҳр-оқибатдан каттаю кичик миннатдор.

Шу йил баҳорда «Ёшлар йили»га бағишлаб аёллар ўртасида ўтказилган туман спартакиадасида бўлим вакиллари голиб чиқдилар.

Наврўз тантанасида туман ташкилотлари ўртасида миллий либослар, тасмлар ва ҳунармандчилик танловида ҳам биринчи ўринни эгаллашди.

— Фидойилар тўғрисида ғамхўрлик қилиш асосий вазифаларимиздан, — дейди Барчиной Боётова. — Уларни қўллаб-қувватлаш раҳбарият ва касаба уюшма қўмитасининг доимо эътиборида. Йил бошида икки нафар ногирон ҳамширамизга ойлик иш ҳақининг учдан бир қисми миқдорда ёрдам пули берганмиз. Моддий ва маънавий рағбатлантириш қизларнинг меҳнатга, жамоага бўлган меҳрини оширишини ҳисобга олиб барча тантанали кунларда турли қимматбаҳо совғалар тортиқ қиламиз.

Косонсой тиббиёт билим юртини битирган Барчиной Боётова элга хизмат қилиб толмайди. Шундайлар сафи кенгайверсин.

**Асқарали МАМАТОВ**

**Тошкент – Гулистон оралиги 120 километр атрофида, мамлакатимизнинг бошқа шаҳару вилоятларига нисбатан биз пойтахтга анча яқинмиз ва кун мобайнида азим шаҳарни бемалол айланиб келишимиз мумкин. Албатта, сафарингизнинг кўнгилдагидек ўтиши аввало йўлга, сўнгра транспорт воситаларига боғлиқ. Вилоятимиз марказидан Тошкентга йўл кенг ва раван. Азим шаҳар йўллари эсатаниб бўлмас даражада ўзгарган. Масалан, шаҳар остонасидан Қўйлик томон бориш энди «Отчопар» бозоридан эмас, Сирғали орқали ўтганлиги масофани қисқартирибгина қолмай, шаҳарлараро йўналишда кетаётган транспортларнинг пойтахтга кирмай ўтиб кетишини таъминлаётир. Бу бир вақтлар «Отчопар» олдида бўладиган тирбандликка барҳам берди. Умуман, пойтахтнинг энг гавжум кўчаларида ҳам транспорт тирбандлиги кузатилмайди, аслида эса уловлар сони бошқа азим шаҳарлардигидан кам эмас. Харакатнинг бундай аниқ ва раван бўлишига йўл муаммо пайдо бўлмасдан аввалроқ қурилиши амалга оширилиши туфайли эришилган.**

Пойтахтни томоша қилишга бир кун етмайди. Шу боис кўпчилик уни телеминорадан туриб кузатишга ошиқади. Жаҳонда тўққизинчи, МДХ бўйича учинчи, Марказий Осиёда эса биринчи ўринда турувчи бу осмонўпар иншоот ноёб меъморий тузилиши билан ажралиб туради. Унинг баландлиги 375 метр, жами оғирлиги 6 минг тоннадан ортиқ, пойдеворнинг чуқурлиги 11 метрдир. Телеминоранинг 100 метрлик қисмида доира шаклидаги экскурсия зали, ундан баландда миллий ва Европа андозасидаги айланадиган ресторанлар мавжуд. Мустақиллик йилларида пойтахтнинг барча томонидан кўринадиган бу мўъжизавий иншоот деярли тўлиқ замонавий техникалар билан қайта жиҳозланди. Секундига 4,8 метр баландликка олиб чиқадиган Швейцария лифтлири, Япония ва Испаниянинг машҳур фирмаларида тайёрланган радиотелевизион ускуналар шулар жумласидандир. Бугун телеминорадан фақат телерадио тўлқинларини узатиш учунгина эмас, йўлдош телевидениеси, уяли ва пейжинг алоқасини таъминлашда ҳам самарали фойдаланилмоқда. Мухими эса телеминора Тошкентнинг бош томошагоҳидир. Унинг «Мовий» ва «Алвон» деб аталувчи ресторанларидан бирига кирсангиз ёки экскурсия қаватида чиқсангиз пойингизда Тошкент бутун борлиги, кўрки, улугворлиги билан намоён бўлади. Қанча уринманг, шундай юксакликда ҳам нигоҳларингиз шаҳар адоғига етмайди. Телеминора яқинида бутун бир мухташам бинолар мажмуаси — «Интерконтинентал» меҳмонхонаси, Миллий банкнинг ойнаванд қиёфаси кўзингизни қамаштиради. Дунёдаги машҳур боғлар билан тенглашадиган «Аквапарк» ҳам истиқлол мевасидир. Миноранинг шундоқ ёнида бир неча спорт мажмуаси қад кўтарган. Узоқ-яқиндаги юзлаб иморатлар, қуюқ дарахтзорлар, фавворали боғлар, мухташам турар-жойлар — буларнинг ҳаммаси Тошкентнинг улугворлигидан



дарак беради. Осмонўпар иншоотдан шарққа юзлансангиз, албатта, жиддий торгасиз. Боиси, жуда яқинда «Шахидлар хотираси» ёдгорлик мажмуи бор. Унга юқоридан назар ташлаш кифоя эмас, бориб кўриш керак.

Президентимиз раҳнамолигида қатағон қурбонлари хотирасига атаб бунёд этилган бу муқаддас гўша ойнаи жаҳонда кўрганимиздан-да обод, ўқиганларимиздан-да таъсирли бир макон эканлигини илк қадамларданок илғаймиз. Зиёратгоҳ Бўзсув соҳилидаги сайхонликда қарор топган. Қатағон йиллари миллат фидойиларининг қони тўқилган бу гўшага бугун сарвқомат дарахтлар, ранг-баранг гуллар зеб бериб турибди. Шу ерда Бўзсув ҳам салом бергандек бир қайрилиб оқади. Хиёбонда ҳозир музей учун мухташам бино қад ростлаган.

Тошкент телеминорасидан кўзга яққол ташланадиган гўшалардан бири шубҳасиз Ҳазрати имом (Ҳастимом) мажмуасидир. Талабаликда шу ерларда — Чувалачида ижарада турган бўлсам-да, Эскишаҳарнинг машҳур Қорасарой кўчасини рости, танимадим. Кўча кенгайибгина қолмай, иморатлар ҳам янгиланган. Ҳастимом мен тушадиган бекатдан сал нарида эди. Саксонинчи йил-

лар бошида Ҳастимом томонга бир-икки ўтган эдим, лекин эскишаҳарликлар муқаддас жой деб атайдиган бу маконда ҳеч бир антиқа манзара хотирамда қолмаган экан. Боиси, Ҳастимом ўшанда тигиз маҳалла, мактабу жин кўчалар қуршовида қолган кўримсиз бир макон эди. Уни бу чалқаш манзаралар-

янги, мухташам мажмуага уйғун бинолар қурилди.

Тошкент саёҳатини, албатта, Мустақиллик майдонисиз тасаввур қилиш қийин. Истиқлол йиллари ватанимизнинг бош майдони тубдан ўзгарди. Унда энди ўзбек аёлининг меҳрли нигоҳини туясиз, ўтганлар хотирасини маъносиз тошўчоқ қаршиси-

га юз минглаб кишилар фойдаланаётганлиги фикримизга далилдир. Мустақиллик йиллари метро йўналишлари кўпайди, янада кенгайди.

Азим шаҳарнинг мўъжизалари кўп. Таъбир жоиз бўлса, Юнусободдаги «Ош маркази»да бирийўла 600-800 кило гуруч дамланиши-ю кап-гирнинг ҳали қуёш оғмай

# Ухламайдиган шаҳар

дошқозонларнинг тагига етиши ҳам бир мўъжиза. Яна тонг бўзармай ногораю сурнайларнинг одамларни тўйга чорлаши бир мўъжиза. Довруги жаҳонга кетган қадим маҳаллалар тажрибаси эса Ўзбекистон учунгина эмас, дунё учун мактабдир.

Айтишларича, Тошкент етти сой ва етти тепалик бор жойда бунёд бўлган экан. Дарҳақиқат, пойтахтимиз азалдан сувга сероб шаҳар бўлган. Чирчиқ дарёси ва унинг ўнг соҳилидаги Бўзсув, шу дарёдан сув оладиган Заҳариқ канали, Бўзсувнинг ўнг ирмоғи Кайковус, Салор, Бўзсувнинг сўл ирмоғи Қорасув, Анҳор, Жўнариқ, Дархон... Улар Тошкентни сув билан таъминламоқда. Телеминорадан шарққа қарасангиз, қир-адирлар, тоғлар кўринадилар. Бу шаҳарнинг анчайин баландликда, соз тупроқда қарор топгандан далолат беради. Шу боисми, Тошкентда чўпни тескари суқсанг ҳам дарахт бўлади деган гап юради.

Ҳа, бу азим шаҳар ҳам қадим, ҳам навқирон, бағрикенг гўшадир. Уни хоҳ осмондан, хоҳ ердан, хоҳ кундуз, хоҳ тунда, ёздами, қишдами, қай вақтда томоша қилманг, файзу баракаси, меҳру таровати, очиқ чеҳраси билан сизни мафтун қилаверади. Мухими эса, у ватан юраги, улугвор пойтахти сифатида қалбингиздан жой олганлигидир.

**Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ, журналист**

дан ажратиб яхлит кўринишда эслаб қолиш амримаҳол эди. Ҳайдовчи «мана Ҳастимом» деб мени машинасидан тушириб қолдирар экан, рўпарамдаги бутун бир шаҳристонни кўриб лол қолдим. Энди Ҳазрати имом мажмуаси барча катта-кичик, паст-баланд иморатлардан холи бўлиб, чирой очиб турар эди. Бор-йўғи олти ойда бунёд қилинган жоме масжиди остонасини ҳатлашдан олдин таҳоратхона томон юзландик. Рости, алоҳида қурилган бу поклини хоналарига кириб бир вақтлар эшитганимиз, хориж масжидларидаги шундай таҳоратхоналар ҳақидаги хангомалар ёдга тушади. Назаримизда, Ҳастимомдаги бу қулайликлар ўша эшитганларимиз, кўрганларимиздан-да шинам, орастадир. Жоме масжидини ҳеч иккиланмай Тошкент мўъжизаси, ватанининг муқаддас қадамжоларидан бири деб атайман. Икки пуриқор минораси билан қарши оладиган бу улкан ибодатгоҳ бир вақтнинг ўзида 10 минг намозхонни сиғдира олади. Ҳайит намозларида 40 минг киши ибодат қилиш имконияти бор. Масжид зали ҳеч бир устунсиз, таянчсиз бунёд қилинганлиги билан ҳам ўзига хосдир.

Президентимиз ташаббуси билан бутун ислом маданиятига катта дурдона бўлиб қўшилган, тарихий қимматини тиклаган Ҳазрати имом мажмуасидаги зиёратгоҳларнинг ҳам обод бир масканга айланганлиги қалбни қувонтиради. Қадим Шошда яшаган фикҳ, ҳадис, усул ва тилшуносликнинг етук намояндаси бўлган Қафол Шоший — Ҳазрати имом макбараси, Бароқхон, 7-асрда битилган Куръони Карим — Ҳазрати Усмон мусҳафи сақланаётган Мўйи Муборак мадрасалари, Тиллашайх масжиди каби қадимий обидалар асил ҳолида тикланди. Ўзбекистон мусулмонлари идораси, имом Бухорий институти, ноёб кўлэмалар кутубхонаси учун

да эмас, соя-салқин миллий айвонлардаги саҳифаларга кўз югуртириб эъозлайсиз. Ноёб дарахтлар, гулзорлар, кўм-кўк ўтлоқлар, раван йўлаклар, камалак билан ошно фавворалар, тинчлик ва фаровонлик тимсоли бўлмиш Арк ҳамда унинг тепасида эмин-эркин парвоз қилаётган турналар — буларнинг барчаси уйғунлашиб, жаннатмакон Ўзбекистонимизнинг бутун қиёфасини ифода этади. Мухими, майдон туну кун гавжум, меҳмонлар ва тошкентликлар учун севимли маскандир.

Ҳа, Тошкент ухламайдиган шаҳар. Унга қачон келманг, ҳамиша уйғоқ. Пойтахт халқаро аэропортидан дунёнинг барча қиъталарига парвоз қиласиз, тезюрар автобуслар сизни ватанингиз шаҳар-қишлоқларига элтади. Дарвоқе, замонавий шаҳарлар ҳақида гап кетганда, транспорт қатнови уларнинг рейтингини белгилловчи асосий мезонлардан бири ҳисобланади. Тошкент бу борада ҳам азим кентлар қаторида муносиб ўринга эга. Биргина Тошкент метрополитенидан куни-





Тошкент шаҳар ўрта махсус касб-хунар таълими бошқармаси, «Меҳр ва мурувват» фондининг Тошкент шаҳар филиали, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси, «Камолот» ЁИХ Тошкент шаҳар бўлими ҳамда Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Тошкент шаҳар кенгаши ҳамкорлигида 1 октябр — Ҳукуватчи ва мураббийлар кунига бағишлаб касб-хунар коллежларида бошланғич таълим мутахассислиги бўйича тахсил олаётган битирувчи ўқувчилар ўртасида «Маърифатли юрт фарзандларимиз» республика кўрик-танловининг шаҳар босқичи ўтказилди.

# «Маърифатли юрт фарзандларимиз»



вазирларни еча олишлари ва 4-шартида эркин мавзу бўйича истеъдодларини намойиш этишлари керак эди.

— Фолибни аниқлаш осон бўлмади, — дейди ҳайъат раиси, «Меҳр ва мурувват» фонди Тошкент шаҳар филиали директори О.Каримова. — Чунки сараланган уч иштирокчи ҳам ниҳоятда иқтидорли эди. Аммо фолиб бўлган битта қатнашчигина республика босқичига йўллангани қўлга киритди.

Бундай имконият Тошкент педагогика коллежи талабаси Саида Ҳотамовага насиб этди. Танлов сўнгида иштирокчилар ва уларнинг ўқитувчилари қимматбаҳо совғалар ҳамда фахрий ёрликлар билан тақдирланди.



ди. Танловнинг республика босқичи 24 — 25-сентябр кунлари бўлиб ўтади.

**Абдулатиф АБДУЛЛАЕВ,**  
«Ishonch» мухбири



Икром ҲАСАНОВ олган суратлар

— Танловни ўтказишдан мақсад — бўлажак ўқитувчиларнинг касбга бўлган қизиқишларини оширишдир, — дейди Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Тошкент шаҳар кенгаши раисининг ўринбосари Ш.Жўраев.

Танловда 1-Тошкент педагогика коллежи, Тошкент педагогика коллежи, Юнус Ражабий номли педагогика коллежида фолиб чиққан ўқувчилар 4 та шарт бўйича қобилиятларини намойиш этишди.

1-шарт бўйича Мирзо Улуғбек туманидаги 64-мактабнинг бошланғич синфларида одбонама фанидан очик дарс ўтишди. 2-шарт бўйича уларнинг саводхонлиги диктант усулида синондан ўтказилган бўлса, 3-шартда фавкулдда педагогик

«Мен — ёшликман!» танлови




## Ўзбекистон

Мен учун ягона муқаддас замин,  
Бу юк саждагоҳдек битта макон бор.  
Кўзимга суртаман тошу тупроғин,  
Менинг юрагимда Ўзбекистон бор.  
Жаннатдир боғлари, тоғлари юксак,  
Қари-ёш юрт учун бир жону бир тан.  
Бунда кўринмоқда нурли келажак,  
Сифинганим ўзинг, эй азиз Ватан.

## Орзулар отида

Орзулар отида учаман,  
Юракнинг тугўни зўр қанот.  
Шодланиб осмонни кучаман,  
Қалбимда кулф урар муҳаббат.  
Гоҳида хаёлан ҳув чақноқ  
Юлдузга айланиб қоламан.  
Булуллардан ясаб арғимчоқ,  
Ердан ойга йўллар соламан.  
Орзуларим менинг йўлдошим,  
Сезаман ўзимни бахтиёр.  
Юракдир энг яқин сирдошим,  
Бир кунни бахт албат бўлар ёр.



## Кетма

Ёлгончи-ей,  
Ана, юрагингда ишқ йиғлаётир.  
Мўлтираб исмига термулиб олган.  
У ҳали гўдак-да,  
На сўзлай олади, на юра олар.  
Билгани, биргина йиғлайди, холос.  
Сен унга суяч бер, эмаклар юрсин,  
Сен унга ишончли сўзлашни ўргат.  
Мен уни эркалаб, авайлаб, бағримга босиб,  
Ҳеч кимга бермайман ўзимдан бўлак.  
Ёлворай, розиман, ўлай,  
Ташлаб кетма норасидани,  
Қара, бизга жуда ҳам муҳтож.



## Сезиб турибман

Эй, ёрим-ай, кўзларингиз қароси  
Не балолоғи, оловлари оташин.  
Йироқланмас соғинчларим ароси,  
Сиз сезмайсиз, сезмайсиз-а, сезмайсиз.  
Оташингиз денгиз каби мавжланар,  
Чўкиб-чўкиб ёнишларга чидайман.  
Ишқ азоби дунё бўйи авжланар,  
Йўк, билмайсиз, сезмайсиз-а, сезмайсиз.

Ўт кўйдингиз, ёниб бўлди дилхонам,  
Сездингиз-у сездиришни билмайсиз.  
Ахир бизлар ёниб бўлдик, тўқилдик,  
Энди бизлар сезмасликни билмаймиз.



**Барногул СОЛИЕВА,**  
Андижон давлат тиллар педагогика институти талабаси

## Ўзбеклар ва жаҳон

# Американинг

# сирдарёлик фарзанди



Зуннуновлар оиласи асли тошкентлик эди. Мирзачўлни ўзлаштириш баҳонасида Гулистонга келиб, шу заминда яшаб қолишди. Тақдир тақозоси билан уларнинг фарзанди Ғўзалхон бундан беш йил аввал Америкага келиб бўлиб тушди.

Ғўзалхоннинг бобоси Абдуллаҳўжа Юнусхўжаев Мирзачўлда биринчи паррандачилик фабрикасини қуришда қатнашган. Отаси Каримжон ака санъат ишқибози бўлганлиги туфайли Мирзаобод туманидаги 21-мактабда ёшларга мусиқа илмидан сабоқ берди. Оиланинг меҳрибон бекаси Ҳалимаҳон бутун умрини ҳисобчиликка бағишлади, ҳозир кексалик гаштини суриб, вилоят марказидаги Улуғобод кўрғонида истиқомат қиладди.

Истиқлолимизнинг 17 йиллик тантаналари арафасида Ҳалимаҳоннинг америкалик тўнғич набираси Мадинабону юртимизга

ташриф буюрди. Бувисига эргашиб, боболари юрти билан танишди. Қувончи ичига сизмасди. Гулистонни айланди. Сочлари патилла-патилла, кўзлари мунчоқдек қоп-қора бу қизалоқни шаҳар маданият ва истироҳат боғидаги сайилгоҳда учратдик. Она тилини унутмабди, теран мулоҳаза юритади.

Бувиси Ҳалимаҳон билан суҳбатлашиб, тарихни эслашдик.

— Қизим Тошкент хореография билим юртини тамомлаб, Америкага гастролга борган эди, — дейди буви. — Ушангда бўлғуси кувимиз Ромеро Мартинес билан танишиб қолибди...

Аслида аждодлари испаниялик бўлган Мартинес бизнинг ҳамюртимиз Ғўзалхон билан танишмасдан олдин мусулмончиликини

қабул қилибди. Алекс деган исми танлабди, чунки бу сўз мусулмонча Абдуллоҳ экан. Мартинеслар оиласи Американинг Вашингтон шаҳрида яшайди. Абдуллоҳ қизлар пансионатида менежер бўлиб хизмат қиладди. Топиш-тутиши жойида. Ҳозир иккита қизи бор: каттаси Мадинабону, кенжаси эса Наргиза. Уларнинг инглизча исмлари ҳам кишида қизиқиш уйғотади: Женевфер ва Бюссе.

Ғўзалхон қайнонаси Мария ҳақида гап кетса, оғзидан бол томади. Сабаби бор албатта. Уй-рўзгор юмушларида келинига кўмақдош экан.

— Истиқлол туфайли Америка ҳам бизга яқин бўлиб қолди, — дейди Ҳалимаҳон. — Ҳар кунни телефон ёки интернет орқали қизим билан гаплашиб тураман.



Охирги сўзлашувимизда қизим йиғлади. Ота маконимни соғиндим, Ўзбекистондай жаннатмакон юрт дунёнинг ҳеч бир жойида топилмайди дейди. Афсуски, ҳомилидорлиги учун бу йил истиқлол байрамига келолмади, набирамни жўнатди.

Суҳбат қуриб турганимизда, ҳалпақ уйнаб турган Мадинабонунинг телефони садо бериб қолди. Гаплашди, аммаси Зулхумор кўнғироқ қилаётган экан. Ажнабий тилда суҳбатлашди, биз эса тушунмадик. Ҳалимаҳоннинг айтишича, Абдуллоҳлар оиласи келажақда Ўзбекистонга кўчиб келишни орзу қилишапти.

Сирдарёнинг америкалик фарзанди Мадинабону-Женевфер билан мириқиб суҳбат қуришга уриндик. Жавобларида болаларча самимийлик ва бегуборлик уфуриб турарди.

**Пиримкул ДУСТМАМатов,**  
«Ishonch» мухбири

## ? Касбингизни ўзгартирмоқчимисиз, марҳамат!

«Таълим тўғрисида»ги қонунга мувофиқ, олий (ўрта махсус) маълумотга эга бўлган шахслар «Ўзбекистон таълим муассасаларида иккинчи ва ундан кейинги таълим олиш тартиби тўғрисида»ги низомнинг 2-бандида белгиланган тартибда иккинчи ва ундан кейинги олий (ўрта махсус) маълумотни олиш ҳуқуқига эга.

Иккинчи ва ундан кейинги олий (ўрта махсус) маълумот бўйича ўқитиш тўлов-контракт (шартнома) асосида амалга оширилади.

Тўлов-контракт асосида ўқиш учун шартнома тузиш тартиби ва шартлари «Ўзбекистон таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шакли ва тушган маблағларни тақсимлаш тартиби тўғрисида»ги низом билан белгиланади.

Олий (ўрта махсус) маълумотга эга бўлган шахслар қуйидаги иккинчи ва ундан кейинги олий (ўрта махсус) маълумотни олишлари мумкин:

ўрта махсус, касб-хунар маълумотли мутахассис даражасига эга бўлган шахслар — ўрта махсус, касб-хунар таълими йўналишлари бўйича;

бакалавр ва дипломли мутахассис даражасига эга бўлган шахслар — бакалаврият таълим йўналишлари бўйича;

магистрлар — бакалаврият таълим йўналишлари ва турдош магистратура


мутахассисликлари бўйича.

Иккинчи ва ундан кейинги олий маълумот олиш мумкин бўлган турдош магистратура мутахассисликлари рўйхати Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан белгиланади.

Иккинчи ва ундан кейинги олий (ўрта махсус) маълумот олиш бўйича кадрлар тайёрлаш ҳуқуқига эга таълим муассасалари рўйхати ҳамда олий таълим муассасаларида уларнинг бакалаврият ва магистратурасига қабул кўрсаткичларини реал иқтисодиёт тармоқлари ва соҳалари учун малакали кадрларга бўлган эҳтиёж ҳамда таълим муассасасининг илмий-педагогик салоҳияти ва моддий-техник базасини ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича давлат комиссияси белгилайди.

Иккинчи ва ундан кейинги олий (ўрта махсус) маълумот олиш учун абитуриентлар қабулини таълим муассасаси қабул комиссияси амалга оширади. Иккинчи ва ундан кейинги олий таълим бўйича қабул кўрсаткичлари таълим муассасаси учун муайян таълим йўналишлари (мутахассисликлар) бўйича ўрнатилган қабул режасидан (мувофиқ равишда бакалаврият ва магистратура бўйича) ортиқ бўлиши мумкин эмас.

Ҳозир қабул жараёни тугаган бўлса-да, бу ҳақда билиб қўйишнинг зиёни йўқ.



унлаштириш имконини берадиган, ўзгарувчан иш жадвалига эга бўлган иш ўринлари;

таълим муассасаларини тугатган ёшлар учун — уларнинг касб бўйича тайёргарлигига мувофиқ бўлган иш ўринлари;

муддатли ҳарбий хизматдан бўшатишган шахслар учун — уларнинг касб бўйича тайёргарлигига мувофиқ бўлган иш ўринлари;

ногиронлар учун — меҳнат шариоитлари бўйича аттестациядан ўтказилган ҳамда ходимга иш жараёнларини тўсқинликсиз бажариш имконини (соғлигининг аҳоли ва меҳнат фаолиятига нисбатан белгиланган зид кўрсаткичлар ҳисобга олинган ҳолда) берадиган иш ўринлари;

Бандликка кўмаклашиш туман марказларида иш қидирувчи сифатида ҳисобда турган пенсия ёшига яқинлашиб қолган шахслар учун — махсус малакани талаб қилмайдиган иш ўринлари;

жазони ўташ муассасаларидан бўшатишган, жазони ўтаётган ёки суд қарорига кўра тиббий характердаги мажбурий чоралар кўрилган шахслар учун — уларнинг касб бўйича тайёргарлиги ҳисобга олинган ҳолдаги иш ўринлари, муайян касб-хунар, малакага эга бўлмаган шахслар учун эса — махсус малакани талаб қилмайдиган иш ўринлари.

Низомнинг 3-бандида кўрсатилган шахслар ишга жойлаштириб бўлинган иш ўринлари кейинги давр учун банд қилиб қўйиладиган иш ўринлари сонини белгилашда ҳисобга олинади.

Ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахслар учун банд қилиб қўйилган иш ўринларига ишга жойлаштириш ташкилот томонидан Бандликка кўмаклашиш туман маркази йўлланмаси бўйича ёки мустақил равишда амалга оширилади.

Ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштиришга ногиронлар жамоатчилиги бирлашмалари, жазони ўташ муассасаларидан озод қилинган шахсларни ижтимоий мослаштириш марказлари, кўрсатиб ўтилган шахслар манфаатларини ифодаловчи бошқа ташкилотлар ҳам уларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ишга жойлаштиришни таъминлайдиган Бандликка кўмаклашиш туман марказларига юбориш йўли билан кўмаклашиши мумкин.

Шу билан бирга, ушбу

банднинг биринчи хатбошида кўрсатилган ташкилотлар Бандликка кўмаклашиш туман марказига муайян ташкилотларга ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахслар учун иш ўринларини банд қилиб қўйиш тўғрисида таклифлар киритиш, шунингдек, Бандликка кўмаклашиш туман марказларидан ҳар бир ташкилот бўйича ташкил этилган, шунингдек, банд қилиб қўйилган бўш (вакант) иш ўринлари сони ва характери тўғрисидаги маълумотларни олиш ҳуқуқига эга.

Маҳаллий давлат органи томонидан белгиланган ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш қидиришда қийналаётган шахслар учун иш ўринларининг энг кам сони таълим муассасаларида иш қидирувчи сифатида қўйилган (банд қилиб қўйилган ёки ажратилган) энг кам иш ўринлари сонини қисқартиришга ёки тугатишга фақат касбаба уюшмалари кўмиталари ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органлари, Бандликка кўмаклашиш туман марказлари билан келишган ҳолда йўл қўйиладиган ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органи қарори асосида амалга оширилади.

Ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш қидиришда қийналаётган шахслар учун банд қилиб қўйилган иш ўрни илгари ушбу иш ўрнини эгаллаб келган шахс билан тузилган меҳнат шартномасининг тўхтатилиши муносабати билан бўшаб қолган тақдирда ташкилот ўн кун муддатда Бандликка кўмаклашиш туман марказига янгидан очилган бўш иш ўрни тўғрисида хабар бериши шарт.

Ташкилот ушбу низомнинг 3-бандида кўрсатилган шахсларни маҳаллий давлат ҳокимияти органи томонидан ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш қидиришда қийналаётган шахслар учун банд қилиб қўйилган иш ўринлари белгиланган сони ҳисобига ишга жойлаштириши шарт.

Ташкилот, мазкур шахслар ушбу Низомнинг 3-бандида кўрсатилган тоифага мансуб бўлса, меҳнат органлари йўлланмаси бўйича банд қилиб қўйилган иш ўрнига ишга жойлаштиришни рад қилган тақдирда ташкилот раҳбари (иш берувчи) қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда маъмурий жавобгар бўлади.

Ҳуқуқ ва халқаро ҳаёт бўлими

## ? Иш топишга қийналаётганларга ёрдам

2008 йил 20 августда Вазирлар маҳкамаси «Ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини банд қилиб қўйиш тартиби тўғрисида»ги низомни қабул қилди.

Унга кўра, аҳоли бандликка кўмаклашиш мақсадида корхона, муассаса ва ташкилотларда (кейинги ўринларда ташкилот деб аталади) ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахслар учун иш ўринларининг энг кам сони белгиланади (банд қилиб қўйилади).

Ушбу тоифага қуйидагилар киради:

ёлғиз ота, ёлғиз она ҳамда 14 ёшгача ва ногирон болалари бор кўп болали ота-оналар;

таълим муассасаларини тугатган ёшлар; муқаддатли ҳарбий хизматдан бўшатишган шахслар; ногиронлар;

Бандликка кўмаклашиш туман (шаҳар) марказларида иш қидирувчи сифатида ҳисобда турган пенсия ёшига яқинлашиб қолган шахслар;

жазони ўташ муассасаларидан бўшатишган, жазони ўтаётган ёки суд қарорига кўра тиббий характердаги мажбурий чоралар кўрилган шахслар.

Меҳнат бозорига вужудга келган вазиятни ҳисобга олган ҳолда маҳаллий давлат ҳокимияти органи томонидан Бандликка кўмаклашиш туман маркази тавсиясига кўра иш ўринлари ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган фуқароларнинг бошқа тоифалари учун ҳам, жумладан, сафарбарлик қақириви захирасига киритилган шахслар, кичик ёшли болалари бўлган ишламаётган аёллар, атрофдагилар учун хавфли бўлмаган ижтимоий аҳамиятли ка-

салликлар билан оғриётган шахслар учун ҳам банд қилиб қўйиши мумкин.

Ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахслар учун иш ўринларини банд қилиб қўйиш амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан амалга оширилади.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан ушбу низомнинг 3-бандида кўрсатилганлар учун банд қилиб қўйиладиган иш ўринлари сони иш топишда қийналаётганлар сонининг ўзгаришига қараб қайта кўриб чиқилади.

Низомнинг 3-бандида кўрсатилган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини банд қилиб қўйиш ходимларнинг рўйхат бўйича ўртача сони йигирма нафардан кўпни ташкил этадиган ташкилотлар учун белгиланади.

Бунда ногиронларни ишга жойлаштириш учун ходимлар сонининг камида 3 фоизи миқдорда иш ўринларининг энг кам сони белгиланади ва банд қилиб қўйилади.

Банд қилиб қўйиладиган иш ўринларининг жами миқдори маҳаллий давлат ҳокимияти органи қарорига мувофиқ ташкилот ходимлари рўйхат бўйича ўртача сонининг 7 фоизидан ортиқ миқдорда белгиланиши мумкин эмас.

Ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахслар учун иш ўринларини банд қилиб қўйиш тўғрисидаги таклифлар туман Бандликка кўмаклашиш маркази томонидан шакллантирилади ва туман ҳудудида жойлашган ташкилотлар бўйича алоҳида қарор қабул қилиш учун маҳаллий давлат ҳокимияти органига киритилади.

Муайян ташкилот учун иш ўринларини банд қилиш бўйича таклифлар киритишда бандликка кўмаклашиш туман марказлари томонидан таш-

килотдаги ишларнинг касб бўйича таркиби ва ташкилот фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари мажбурий тартибда ҳисобга олиниши керак.

Ногиронлар учун иш ўринларини банд қилиш миқдорини белгилаш тўғрисида таклифлар киритишда ногиронларни реабилитация қилиш дастурлари параметрлари ҳисобга олинади.

Банд қилиниши керак бўлган иш ўринлари сонини ва уларга қўйиладиган талабларни белгилаш учун маҳаллий давлат ҳокимияти органи қарорига (ушбу низомнинг 1-илова) ушбу низомнинг 3-бандида кўрсатилган шахсларни, ишга жойлаштириш учун уларнинг имкониятларини ҳисобга олган ҳолда, мазкур ҳудудда жойлашган ташкилотлар бўйича алоҳида банд қилиб қўйиладиган иш ўринлари сони, банд қилиб қўйиладиган иш ўринларига талаблар, тақдирлаш чора-тадбирлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органининг иш ўринларини банд қилиб қўйиш тўғрисидаги қарорлари бажарилмаган тақдирда ташкилот мансабдорларга нисбатан кўлланиладиган санкциялар кўрсатилади.

Низомнинг 3-бандида кўрсатилган шахслар учун шахсларнинг мазкур тоифаларига, жумладан, қуйидагилар учун қўйиладиган характерли талабларга мувофиқ бўлган меҳнат шариоитларини таъминлайдиган иш ўрни ташкил этилган иш ўрни ҳисобланади:

ёлғиз ота, ёлғиз она ва 14 ёшгача бўлган ногирон болалари бор кўп болали ота-оналар учун — болаларни тарбиялаш ва меҳнат мажбуриятлари бўйича вазифаларни уй-



ОЗВЕКИСТОН

15.35 «Жаннат улками»... 15.40 «Миллий мультфильм»... 5.55 Курساتулар дастури...

TV MARKAZ

07.00 Узбек наволари... 08.00 «Сил-Жасола» ушши йўқ... 08.30 «Тўнгар муборак»...

TOSHKENT

17.50 Курсагулар тартибди... 17.55 Мультсериал: «Торлик»... 18.05 «Телекурьер»...

PEZVYIYI

04.00 Телеканал «Доброе утро»... 08.05 Телеканал «Доброе утро»... 08.25 «Модный приговор»...

ROSSIYA

04.00 «Доброе утро, Россия!»... 07.55 «Кто Вы, мистер Рид?»... 08.50 Т/с «Осенний детектив»...

TV-3

07.00 М/ф «Космическое колесо»... 07.45 М/ф «Амур Бобби»... 08.15 М/с «Клуб «Инс»»...

СТС

07.00 М/с «Зена - королева воинов»... 07.55 М/с «Смешарики»... 08.00 Т/с «Моя прекрасная няня»...

DOMASHNII

07.30 «Утренняя зарядка»... 08.00 Домашние сказки... 08.30 Т/с «Моя жена меня приворожила»...

ОЗВЕКИСТОН

8.30 «Замарраляда». Телесериал... 8.55 Курساتулар дастури... 9.15 «Ассалом, узбекистон!»...

TV MARKAZ

07.00 Узбек наволари... 08.00 «Сил-Жасола» ушши йўқ... 08.30 «Тўнгар муборак»...

TOSHKENT

17.50 Курсагулар тартибди... 17.55 Мультсериал: «Торлик»... 18.05 «Телекурьер»...

PEZVYIYI

04.00 Телеканал «Доброе утро»... 08.05 Телеканал «Доброе утро»... 08.25 «Модный приговор»...

ROSSIYA

04.00 «Доброе утро, Россия!»... 07.55 «Кто Вы, мистер Рид?»... 08.50 Т/с «Осенний детектив»...

TV-3

07.00 М/ф «Космическое колесо»... 07.45 М/ф «Амур Бобби»... 08.15 М/с «Клуб «Инс»»...

СТС

07.00 М/с «Зена - королева воинов»... 07.55 М/с «Смешарики»... 08.00 Т/с «Моя прекрасная няня»...



ОЗВЕКИСТОН

8.30 «Замарраляда». Телесериал... 8.55 Курساتулар дастури... 9.15 «Ассалом, узбекистон!»...

TV MARKAZ

07.00 Узбек наволари... 08.00 «Сил-Жасола» ушши йўқ... 08.30 «Тўнгар муборак»...

TOSHKENT

17.50 Курсагулар тартибди... 17.55 Мультсериал: «Торлик»... 18.05 «Телекурьер»...

PEZVYIYI

04.00 Телеканал «Доброе утро»... 08.05 Телеканал «Доброе утро»... 08.25 «Модный приговор»...

ROSSIYA

04.00 «Доброе утро, Россия!»... 07.55 «Кто Вы, мистер Рид?»... 08.50 Т/с «Осенний детектив»...

TV-3

07.00 М/ф «Космическое колесо»... 07.45 М/ф «Амур Бобби»... 08.15 М/с «Клуб «Инс»»...

СТС

07.00 М/с «Зена - королева воинов»... 07.55 М/с «Смешарики»... 08.00 Т/с «Моя прекрасная няня»...





ОЗБЕКISTON

5:55 Курساتлар дастури, 18:30 «Даврлар таърихи», 18:35 «Даврлар таърихи»

TOSHKENT

7:25 Курساتлар тарихи, 10:30 ТВ - анонс, 10:35 «Корваллон»

ПЕРВЫЙ

17:50 Курсулар тарихи, 17:55 Мультипликация, 18:05 «Телеурлар-маркет»

РОССИЯ

7:00 «Бодоро утрос», 8:00 «Хабарлар» (рус тили), 8:25 «Малахов +»

DTV

18:00 «Тер-а-тер», 18:10 «Мушкетерлар дуняси», 18:30 «Хабарлар» (рус тили)

ТВ-МАРКАЗ

07:00 Узбек наволари, 08:30 Узбек наволари, 09:30 Узбек наволари

НТВ

05:00 «Сегодня утром», 08:00 «Наше все!», 09:00 «Сегодня»

ТВ-3

07:00 М/Ф «Космические кошки», 08:45 М/Ф «Черепашки-ниндзя»

ДОМАШНИЙ

07:30 «Утренняя зарядка», 08:00 Домашние сказки, 08:30 Т/С «Моя жена меня приворожила»

СТС

07:00 М/С «Звезда королевы», 07:55 М/С «Смешарики», 08:20 Детектив «Секретный агент Макс Айвер»

ОЗБЕКISTON

5:55 Курساتлар дастури, 18:30 «Даврлар таърихи», 18:35 «Даврлар таърихи»

TOSHKENT

7:25 Курساتлар тарихи, 10:30 ТВ - анонс, 10:35 «Корваллон»

ПЕРВЫЙ

17:50 Курсулар тарихи, 17:55 Мультипликация, 18:05 «Телеурлар-маркет»

РОССИЯ

7:00 «Бодоро утрос», 8:00 «Хабарлар» (рус тили), 8:25 «Малахов +»

DTV

18:00 «Тер-а-тер», 18:10 «Мушкетерлар дуняси», 18:30 «Хабарлар» (рус тили)

ТВ-МАРКАЗ

07:00 Узбек наволари, 08:30 Узбек наволари, 09:30 Узбек наволари

НТВ

05:00 «Сегодня утром», 08:00 «Наше все!», 09:00 «Сегодня»

ТВ-3


07:00 М/Ф «Космические кошки», 08:45 М/Ф «Черепашки-ниндзя»

ДОМАШНИЙ

07:30 «Утренняя зарядка», 08:00 Домашние сказки, 08:30 Т/С «Моя жена меня приворожила»

СТС

07:00 М/С «Звезда королевы», 07:55 М/С «Смешарики», 08:20 Детектив «Секретный агент Макс Айвер»





(Давоми. Боши ўтган сонда)

В.Маларекнинг далиллар келтиришича, Сербия, Босния, Герцеговина ва Болгария бугун Европа исловатхоналарига, сутенёрларига хотин-қизлар етказиб берувчи бозорга айланган. Масалан, Сербияда алдаб олиб келинган хотин-қизлар эркаклар ҳирсини қондириш усулларига ўргатилади, кейин бошқа давлатлардан келган сутенёрлар олдига яланғоч олиб чиқилади. Истаган эркак уларнинг танасини ушлаб кўриши, тишларини текшириши мумкин. Руминиялик 17 яшар София исмли қизча бошига тушган кўргиликларни гапириб беради. Икки эркак унинг бўйнига пичоқ тираб машинасига ўтказишган ва соҳилга келтириб, серб сутенёрларига пуллашган. Серб қизчани юртига келтириб исловатхонага сотади. У ерда Украина, Молдова, Руминия ва Болгариядан алдаб ва зўрлаб келтирилган қизлар ҳам бор экан. Қизлар қоронги, зах хоналарда гоҳо овқатсиз, сувсиз ушлаб турилган. Ўжарлик ёки қаршилик қилган қизларни уч-тўрт эркак бошқа қизлар олдида зўрлар экан. Исловатхона эгаси Софияни албаниялик сутенёрга, албаниялик эса Италияга сотиб юборади. Италия исловатхоналарида «хизмат қилиш»га мажбур этилган София қочишга муваффақ бўлади.

Шимоли-ғарбий Босниянинг Аризон бозори ҳам аёллар савдосига ихтисослашган. Маҳаллий хотин-қизлар уюшмасининг вице-президенти дейди: «Бу ерга савдогарлар (яъни, бошқа давлатлардан келган сутенёрлар — В.А.) қиз сотиб олиш учун келишади. Қизларни яланғоч ҳолда йўл чеккасида туришга мажбур қиладилар. Шу тариқа уларни ҳайвон сифатида сотишади. Шунингдек, қизлар тунги клубларда ҳам сотилади. Яланғоч қизлар қўлларига рақамлар илиб саҳнага чиқишади. Савдогарлар уларнинг танасини ушлаб, бўй-бастини кўздан кечириб, тишлари



жойида эканини кўргач, баҳолашади». Бундай мисолларни яна келтириш мумкин. Серб ва албанлар кундузи ер, мулк таллашиб, бир-бирларини

ўққа, тўлга тутадилар, кеч тушишибилан аёллар савдоси уюштири-

ладиган бозорда бир-бирлари билан инок, таниш сотувчи ва олувчиларга айланадилар. Косовога тинчлик ўрнатиш мақсадида келган канадалик полиция офицери Гордон Мун деярли 300 нафар ёш аёл ва қизларни исловатхоналардаги тутқунликдан озод қилган. Беихтиёр савол туғилади: наҳотки, 21-асрда, тагин Европада кул бозорлари бўлса? Ахир аёллар дискриминациясига қарши курашга давлат этаётган Европа эмасми?

Хотин-қизлар Ғарбга саёхатчи, ишга ёлланувчи, бизнес билан шуғулланувчи ёки чет эллик яқинларини кўргани келган меҳмон сифатида олиб ўтилади. Саёхат ёки визалар муддати тугагач, хотин-қизлар мамлакатга ноқонуний келган ҳисобланади ва жавобгарликка тортилади. Ушбу тартиб уларни «иш» топиб берувчи сутенёрларга ёлланушига мажбур этади. Лекин фахш бозорининг гуллаб-яшнаётганига секс-трафик билан шу-

ғулланувчи уюшган жиноятчилар сабабчидир. Бугун секс-трафикда россиялик жиноятчи гуруҳлар етакчилик қилмоқда. Уларнинг 58 та давлатда 200 дан зиёд уюшмаси мавжуд. «Қаерда Шарқий Европа мамлакатларидан келтирилган хотин-қизлар савдоси бўлса, ўша жойда россиялик уюшган жиноятчиларнинг темир мушти сезилади. Улар Италия мафияси, Колумбия наркобизнеси, хитой триадаси ва япон якудзалари, АҚШдаги криминал доиралар билан чатишиб кетган. Могилевич, Файнберг, Чарушин, Гороховский, Валиев каби жиноятчи-сутенёрларнинг номи криминал дунёга яхши маълум. Улар орасида Раневская деган аёл ҳам бор (бу «Проклятый рай» филмидаги секс-трафик билан шуғулланган аёлни эсга солиди). Ушбу жиноятчиларнинг

Аёллар савдосига ирқий ёндашиш мавжудлиги кузатилади. Унинг негизиди, бизнинг хотин-қизларимизнинг эмас, балки бошқа халқ, давлат аёлларини исловатхоналарга жалб этиш зарур деган гоя ётади. Масалан, Исроил парламентида исловатхоналарга аёллар келтириш мавзуси тилга олинганда секс-трафик тарафдори бўлган юрист порнофилмлар эркаклари мизнинг иштаҳасини очиб юборган, улар уйларида хотин-қизларини зўрламадлиги учун Шарқий Иерусалимда исловатхоналар очиш, уларга аёлларни Россиядан келтириш зарур деган таклифни киритади. Ҳақиқатан ҳам бугун ҳар йили Исроилга собиқ СССР худудидан жинсий эксплуатация учун 2-3 минг хотин-қиз келтирилди. Сутенёрларнинг йиллик даромади миллион доллардан ошади. Жанубий Кореядаги туризмга ихтисослашган ассоциа-

таси ҳарбий базалар ёнидаги бар ва тунги клубларда ишлаши қайд этилган. 2002 йилги маълумотларга кўра, Жанубий Корея барлари ва тунги клубларида ишлаётган хотин-қизларнинг 1813 таси россиялик, 1471 таси филиппинлик, 643 таси ўзбекистонлик, 126 таси хитойлик, 113 таси украиналик, 44 таси болгариялик ва 34 таси қозоғистонлик бўлган. Корея полициясининг тан олишича, Е-6 визаси «протитуцияни ниқоблашдан бошқа нарса эмас». Ҳарбийларнинг бар ва тунги клубларда

Виктор АЛИМАСОВ, Фалсафа фанлари доктори, профессор

қилинади. Саудия Арабистонида умр бўйи ўғилларига юзини кўрсатмай яшайётган аёллар мавжуд. Секс-трафик коррупция ёрдамига таянади. Агар коррупция қўллаб-қувватлаганида исловатхоналар очилмаган, сутенёрлик касб-корга, аёллар савдоси глобал воқеликка айланмасди. Бўлмаса нега, деб савол қўяди В.Маларек, замонавий техника воситаларига, кузатиш ва фош этиш тажрибаларига эга полиция идоралари оддий нигоҳ пайқайдиган исловатхоналарни, тунги клубларни фош ва йўқ қилмайди? Унинг ёзишича, аёллар савдосида полиция ва иммиграция хизмати ходимлари, амалдорлар, тадбиркорлар, ҳатто халқаро ташкилотларнинг айрим аъзолари ҳам қатнашади. Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ташкилотларнинг БМТга ҳисоботида 23 та давлатда секс-трафик билан коррупция уйғунлашиб кетгани тез-тез тилга олинади. Улар ичида Греция, Исроил, Босния, Болгария, Туркия ва Жанубий Корея каби давлатлар бор. Маълумот-

# Аёллар савдоси

айримлари қамалган ёки жаримага тортилган бўлса-да, улар ташкил қилган криминал тизим тинмай ишламоқда.

Секс-трафик замонавий техника воситаларидан, айниқса, интернетдан унумли фойдаланмоқда. Интернет секс-трафикдан келадиган даромадларни уч баробар оширган. Масалан, интернет сайтлардан биринчи маълум бир ҳақ эвазига қайси юртда ёки шаҳарда исловатхона борлигини, унда қандай суратдаги ва ёшдаги хотин-қизлар «хизмат қилиш»ни айтиб бера олади. Сайт манбаларида 10-12 яшар қизчалар ҳам бор. Истаган эркак истаган аёлни ёки қизчани танлаши мумкин, интернет улар ҳақида барча тафсилотларга эга. Бугун ушбу сайтнинг дунёда 6 мингдан ошқаб аъзоси бор. Улар тинмай, кечаю кундуз фахшни, аёллар билан дам олишни, ҳатто гуруҳий шахватга берилишни тарғиб этади, эркаклар ҳирсини кўзгаб осонгина пул ишлайди. Шунинг учун ҳам В.Маларек: «...интернет дунё бўйича жойлашган энг катта исловатхонага айланди», — деб ёзади.

ция президенти Ким Кенг Са ҳам секс-туризмни ривожлантириш учун бошқа давлатлар аёлларидан фойдаланиш гоясини илгари суради. Унинг фикрига кўра, АҚШ ҳарбий кучлари Жанубий Кореяга жойлаштирилганда мамлакат қашшоқликни бошидан кечирётган эди. АҚШ ҳарбий базалари яқинларида бар, клублар очилиб, уларга қашшоқ корей хотин-қизлари ёлланган. Бу маҳаллий аёлларни америкалик ҳарбийларнинг жинсий эҳтиёжларини қондиришга ундаган. Кейинроқ иқтисодий аҳвол яхшиланиб, корей аёллари «қадимий касб»сиз ҳам оиласини боқиш имконига эга бўлади. Натихада бар ва клублар аёлларсиз қолади, аҳволни ўнглаш учун бар ва клубларнинг эгалари бирлашиб туризмга ихтисослашган ассоциация тузадилар ҳамда 1990 йили ҳукуматдан Е-6 рақамли чет давлатлардан келадиган аёллар учун виза очиш ҳуқуқига эришадилар. 1999 йили хориждан келтирилган аёлларга 2522, 2000 йили 4317, 2001 йили 6980, 2002 йилнинг биринчи ярмидаёқ 6230 та виза берилган. Уларнинг 4200

нишидан АҚШ қўмондонлиги яхши хабардордир.

Бундай мисолларни БААдан ҳам келтириш мумкин. Масалан, саудиялик йирик амалдорлар, бадавлат кишилар Париждан гўзал, ёш хотин-қизларни келтиришда буюртма беришади. Сешанба куни келадиган чет эллик хотин-қизлар арабларга хизмат қиладилар ва келгуси душанба куни қайтиб кетади. Ҳатто баъзи жойларда араб эркакларига хизмат қиладиган юзлаб аёллар сақланадиган исловатхоналар мавжуд (қаранг: Сэссон Ж.П. Мемуары. — СПб.; Амфора, 2008. — С.328). Аммо араблар ўз хотин-қизларига ҳатто ёт эркак билан гаплашишга, эркак билан юришга, учрашишга рухсат бермайдилар. Аёлнинг на туғилгани, на вафоти давлат ҳужжатларида қайд этилади, лекин ўғил боланинг туғилгани пухта ёзилади, тантана қилинади. «Саудия Арабистонида боланинг қадрини унинг у ёки бу жинсга тааллуқли экани билан белгиланади» (ўша асар. — С.13). Фахшга берилган аёл ёки ихтиёри билан эркак киши севган қиз ўрта асрлардагидек тошбўрон

ларга кўра, 1990-йилларнинг бошида Грецияда 2 мингга яқин аёл «қадимий касб» билан шуғулланган. Кейинги ўн йил ичида уларнинг сони 20 мингдан ошиб кетди. Бугун Греция Туркия, Яқин Шарқ ва Европа давлатларига «жонли товар», исловатхоналар учун собиқ СССРдан хотин-қизлар етказиб бериш маконидир. Бугун Греция полиция офицерлари конфедерациясининг президенти Дмитрис Кириадиснинг айтишича, Греция полицияси «чет эллик аёлларни яширин тарзда мамлакатга олиб келишни уюштиришга тортилган». Масалан, Фессалия полиция офицерлари ташкил этган трафик жиноий гуруҳи, ўн йил ичида Грециядан 1200 та аёлни ноқонуний олиб келган. Мазкур жиноий гуруҳда «хурматли тадбиркорлар, прокуратура ходимлари, парламент аъзоларининг кўриқчилари ҳам бор. Полиция офицерлари ўзининг шахвоний ҳирсини қондириш учун аёллар олдида келиб туришган, уларни зўрлашда иштирок этишган. Жиноий гуруҳнинг топган фойдаси юз миллион доллардан ошқидир.

(Давоми бор)

Йорг ЦИНК

# Сокинлик қирғоғида

Кунларнинг бирида кўм-кўк денгизда Донишманд ҳузурига дўстлари келишибди. Улар ўзлари истаган, бироқ сира амалга олмаган орзулар рўёбини сўрашибди. У орзу инсонларга нондек азиз эмиш. Донишманд дебди: «Бизни кимсасиз жойга бироз дам олмоқ учун элтинглар». Ва улар кемага чиқиб, бошқа бир қирғоққа — Ёлғизлик томон сузишибди. Улар бутунлай ЁЛҒИЗ эдилар.

«Қилмоқ учун иш кўп аслида, буни биламан. Бироқ секин овозда кимдир шивирлар: «Буёққа кел! Сокинлик томон! Ҳаракат қил, интил, тенги йўқ саодатга эриш! У ерда яраланган тошлар бағридан қон симириб, лолалар алвонланажак».

Биламан иш кўп, юмуш кўп, бироқ... Ҳеч нима қилмаслик ва Парвардигор ҳукмига ҳаммасини ҳавола этиш муҳимроқ ва кўпроқ муҳим.

Жим бўлиб, эй Танграм, марҳаматингга умид боғламоқдаман. Жим бўлиб, сенинг оламингда нелар содир бўлаётганини тушунмоқ истайман. Жим бўлиб, сенга ва сенинг жамики мўъжизаларингга яқин бўлмоқ истайман.

Кўп овозлар ичра сенинг сасингни тинглаш учун жим бўлгим келди, жим бўлсам ва менинг учун бир таскин — СЎЗ топишга умид боғласам.

Эй Танграм, назарингга тушмогим учун мен кимман ўзи, бироқ бир сўз де, бор-йўғи бир сўз, шунинг билан кўнглим таскинин топсин».

\*\*\*

Эй боқий Худо, ҳузурингга қайтармиз бир кун. Ҳузурингга қўлларимда бир ҳовуч ташвиш, иккиланишлар-у кўрқув ва УМИД билан бораман. Бироқ хотиржам бора олмайман. Ҳузурингга олармикансан? Шунинг учун ҳам сокинлик бер...

Қалбимга жойлан, сенга сингиб кетайин. Сенинг борлигингга сингиб кетгим келаяпти. Шукрона келтирсам дейман. Эй, қодир Аллоҳ, Қирғоқда турибман.

Тақдирим не? Сокинликми ё...

\*\*\*

Мен ўзга бир оламдан — сендан бир сўз кутаяпман. Биламан, мени кўриб турибсан. Юрагимдаги аёндир сенга. Атрофим тўла одам, бироқ ёлғизман, фақат сенинг ичингда, сен-ла биргаман.

Ўз ичимда «Ўзим қамалган — аммо озодман. Нафас олаяпман шамолдан. Узоқдан мен сени сезаяпман.

Турли ташвишлар ортимда қолса, кўз ёшларим ҳам, тинчлик бермайдиган режаларим ҳам. Ўзимни хоҳламайман, эй қодир Аллоҳ, истагим борлигингга сингиш.

Сен жамики тирик мавжудотлар яратувчиси. Мен сенга юрагимга йўл очиб бердим. Шу тариха ер ва осмон бирлашдилар — мен бор жойда. Ва сен менинг жисимда гуллаш ва тажаллингга намоеън этиш учун зухурланапсан.

Сен жамики тирик мавжудотлар Яратувчиси!

\*\*\*

Менинг аждодларим яратувчиси ҳамда ҳамма яхшиликлар эгаси, Сен ўзинг номингни тилга олишлари биланоқ борлиқни намоеън этдинг.

Менга ёлғиз ўзингда бор, ҳеч қаерда йўқ донишмандлик тухфа эт, мен бир заиф қулинг, умри шиддат билан ўтган, чин яшаш учун тўғри йўлни билмадим бироқ.

Аллоҳ нени битаётир пешонамизга, ҳеч ким билмайди. Тангри нима хоҳлайди ўзи? Ўликлар фикрламайдилар, тирикларнинг режалари эса хатарли.

Ерда нима борлигини зўрға тушунамиз. Ва кўлимизда нима турганини зўрға англаймиз. Ким жаннати бўлади унда?

\*\*\*

Эй Танграм, сен кўнглимда бор бўл! Шундан бошқа ғамим ҳам йўқдек ўзимни ўзимдан озод қилайин, нурларингдан баҳра олай. Шундай қилки, ёлғиз сенда мавжуд бўлайин. Атрофимда менинг оламимдек айлан. Мен сенга ёлғиз бир дарахтдек яқин

бўлмоқчиман, юқорида, сенинг кўлингга.

Биламан, мени эшитаётирсан. Ва биламан, ҳеч нарса дея олмайман.

Биламан, менга йўл кўрсатаёпсан, бироқ йўлнинг ҳеч адоғи йўқ. Тақдиримга ҳукмрон ўзинг. Кўлимдан ҳеч нарса келмайди. Қалбимнинг эгаси ҳам энди ўзинг бўл. Эрк берган ҳам ўзингсан, аммо ҳалигача тутқундек яшаётирман. Вақт бердинг, бироқ ўзимда тоқат йўқ, етишмас сабр. Ногоҳ йиқилсам, кўтаргувчи ҳам ўзинг, ишончим комил.

Юрагим қадр ҳам, ҳукмфармолик ҳам сўрамас, кўзларим шон-шухрат ва давлат дейилса порламас.

Катта режалар билан юрмаёпман ҳеч, кўп нарсалар ҳақида орзу ҳам қилмадим, жумбоқли саволлар устида бош қотирмадим. Юрагимга осойиш бердим, кўнглимга-чи хотиржамликни, гўё онаси бағрида осуда ухлаётган бола сингари, гўё қорни тўйган гўдак мисоли қалбим осуда.

\*\*\*

Истагим — ичимда Аллоҳга етгучи СЎЗдан бошқа ҳамма нарсанинг сукут сақлаши. Хоҳлайманки, Тангрининг ўзи ҳаракатга келтирмагунча ҳамма нарса осуда бўлса. Хоҳлардимки, Тангрининг ўзи мен кўним топмиш сўнги маконни белгилаб берса. Илгари ким эдим асли? Энди ундай бўла олмайман.

\*\*\*


Бутун кучим сарф этай майли, ҳузурингда қолсам бўлгани. Мени маҳкам ушлаганингдек сени маҳкам тутиб турайин. Савол-жавоб фурсати келур, шунгача мен кутиб қолурман. Бу фурсат одамларни ўзгартирмайди, дунёни ҳам яхшилаш оламас. Худойим, мени яратдинг, яратиб кўксимга нотинчлик нишонин тақдинг, тинч бўлгим бор, сенинг ҳузурингдан макон топган кўним.

Кўннинг нури сеники, Танграм, туннинг ранги ҳам, ҳаёт ҳам ўлим-да сеники.

Сен мен-ла бўлган тонг-

2008 йилнинг ilk кунлариёқ мен учун омадли келди. Тошкентдаги Ёте институтини орқали малакамни ошириш мақсадида Германияда икки ҳафта бўлиб қайтдим. Германиянинг эртақлар шахри ҳисобланмиш чиройли бир эъшаси бор, Гётинген деб номланади. Шаҳарга тунда кириб бордим. Шунга қарамай у ерда бизни илиқ кутиб олишди, ўзбекона илтифот ила миннатдорчилик билдирдим. Менга институт томонидан ажратилган эртақона уй эгаси Ханна хоним билан тезда тил топишиб кетдик. Дарсдан кейин бир пиёла чой устидаги суҳбатларимиз соатлаб давом этарди. Дарвоқе, мен Ханна хонимнинг биринчи ўзбек меҳмони бўлдим. Хоним ўз қалбига қашф этган биринчи ўзбек эканлигимдан бўлса керак, саволлари кўп эди. Қисқаси, қадрдонлашиб кетдик. Кетаётган кўним Ханна хоним мени кузатиб қолар экан, иккимизнинг ҳам кўзимизга ёш келди. Қўлимга тутқазган хатини самолётда ўқиб, кўнглим узоқ юртда бир яқини қолиб кетганини сездим. Хатда шундай дейилган эди: «Азизам Ҳафиза, сендек шарқона аёл шу икки ҳафта давомида ҳаётимга янада мазмун олиб кирди. Бизни учраштиргани учун Яратгандан тоабад миннатдорман...».

Орадан ойлар ўтди. Яқинда телефонимиз жириглаб қолди. Гушакни кўтарсам, «Тошкент-Палас» меҳмонхонаси ходими германиялик бир меҳмон шу телефон рақами ва манзилни берганини, меҳмоннинг илтимосига кўра у менга қандайдир омонатни топшириши лозимлигини айтди. Кўришдик ва у менга жимжимадор қоғозга авайлаб ўралган нарсани топширди. Очсам, ўша китобча... Ханна хоним ёлғиз қолганида ҳар доим ўқийдиган китоби, мен ҳам қизиқиб ўқиб кўриб, икковимиз ўтириб соатлаб муҳокама қилган китобча. У эскириб, титилиб кетган эди. Хонимнинг айтишига қараганда, ҳар мутолаадан сўнг қалби таскин топаркан. Ханна хоним менга ўша китобнинг янги нашр этилган нусхасини совға қилиб Ўзбекистонга келувчилардан бири орқали бериб юборибди. Китоб кўлимда-ю, қанчалик хурсандлигимни тасаввур қилолмайсиз. Одамлар дунёнинг қайси нуқтасида бўлишидан, миллитидан, жинсидан қатъи назар кўнглига таскин излаб яшайдилар. Эътиқод софлиги, Яратганининг марҳаматидан умидвор бўлиш, унинг қудратига ишониб кўнглиларни поклайди, ҳаловат баҳиш этади. Менинг ўзга юртда англаганим шу бўлди. Ҳамиша Яратган бандаларидан марҳаматини дариг тутмайди. Сизга тақдим этилаётган ушбу таржимани улғў кўнлар ҳақиса сифатида қабул қиласиз деган умиддаман.



ТАРЖИМОН

лар ҳеч кеч бўлмасин, сениз тунларимда ҳеч чирогим йўқ.

Фонийлик, нотинчлик сенга хос эмас, шундай бўлса-да, сен яна вақт инъом этасан бандаларингга. Ўзинг мени яратдинг. Энди кўнлар бир-бирини қувлаётганида сокинлик бер, тинчлик ато этгин кўнларим адоғига етиб қолганда.

\*\*\*

Сокинлик йўлида синовлар бор, албатта. Деразадан ёмғирни кўриш баробарида ёмғир томчилари овозини эшитишни хоҳлаймиз. Чунки унда сен борсан!

Кўндан-кўн хонамиздаги гулнинг очилишини кузатиш, биргина япроқнинг рангига тириклик кўриш, ўргимчакнинг ёруғликда ўрмалаётганини узоқ ва узоқ кузатиш, ҳеч нарсани кутмасдан, қаерда нима содир бўлса хаёлан ўша ерларда бўлиш... Бу мўъжизаларнинг ҳар бирида сенинг қудратинг жо.

\*\*\*

Кимнинг эътиқоди кучли бўлса, у абад яшаркан. Умри боқийлик истаб ва излаб сокинлик томон йўлга тушдим. Ўзимни эмас, ким буюк бўлса уни изладим. Инонмоқ аслида ўзингдан чиқиб Тангрининг йўлига кўз тикмоқ.

Ишондим, тухфангни қабул айладим:

Бу — умри боқийлик. Умрбоқийлик.

Эътиқод ва яна энг баланд чўққида туриб узоқларга назар солмоқлик.

Инондим, шафқатингни марҳамат билдим.

Бу — умри боқийлик. Умрбоқийлик.

Сукунатга йўл олиш — ҳар доим ҳам одамлардан узоқ бўлиш дегани эмас. Бу дегани бир сўз демасдан инсонлар кўнглини олиш. Одамларга яқинроқ бўлиш Тангрига ҳамроҳ бўлишдир. Яратганини

кўнглига солиш — севмоқ дейилади аслида, Худога муҳаббат — қалбимиз нури...

\*\*\*

Тангри менга нафақат яқин, шунчалик узоқда ҳамдир, у гўё денгизга қиёс, адоғи йўқ сукунат ила чулғаб олар бутун вужудни...

Эски бир қасрга битилган шундай масал бор экан:

Бир дарёнинг балиқлари бир-бирларига: «Шундай одамлар борки, ҳаётлари сувга боғлиқ деб ўйлашади. Аммо сув нима ўзи? Биз ҳеч қачон сувни кўрмаганмиз», — дейишибди. Улардан ақллироғи бошқаларига: «Узоқ бир дарёда донишманд балиқ бор эмиш, у ҳамма нарсани биларкан деб эшитгандим. Биз унинг олдида бориб сувни кўрсатишини илтимос қиламиз», — дебди.

Кўпчилик бўлиб донишманд балиқ яшайдиган дарёни топишиб, муаммони баён қилишибди. Кекса балиқ уларни эшитибди-да, дебди: «Мен сизларга қандай қилиб сувни кўрсатсам экан? Сизлар унда ҳаракат қила-сизлар, сувда яшайсизлар, сувдан келиб чиққан-сизлар, ҳаётингиз ҳам унда яқун топади. Сиз сувда яшаб унинг нималигини билмайсиз! Сизларни қуршаб турган ҳамма нарса сувдир», — дебди.

Агар биз ҳам Худони изласак эшитамиз:

Ҳамма нарса Худодир. Барча афсуслар ҳам, бахт ҳам, тақдир ҳам, ҳаракатларимиз ҳам, бари-бари, ҳамма-ҳаммаси — ХУДО!

\*\*\*

Сокинлик қирғоғидан мана шу ҳақиқатни топиш илинжида йўлга отланишади...

Ҳафиза ҚУЧҚОРОВА таржимаси



Менга сўз беринг

## Ёшларнинг ўз фикри бор

XXI аср ахборот коммуникация асри деб аталмоқда. Дарҳақиқат, ҳар кун ўзимизга керакли ахборотни телевидение, радио, интернет ҳамда матбуот нашрларидан оламиз. Ахборот хуружлари, инсон тафаккурини эгаллашга қаратилган ҳаракатлар кучайган айни паллада ҳар бир киши дунё ОАВ орқали ёритилаётган материаллар қандай сиёсий кучлар манфаатига хизмат қилишини, халқ таъбири билан айтганда, кимнинг тегиригига сув қуйишини англаб

етмоғи ва буни холисона баҳоламоғи лозим.

Глобаллашув жараёни бутун ер юзини қамраб олаётган ва мамлакатлар ўртасида манфаатлар ҳимояси учун кураш кескинлашаётган ҳозирги шароитда ахборот хавфсизлигини таъминлаш долзарб вазифалардан бири бўлиб қолмоқда.

Тарихда мамлакатларга таҳдидлар қуроли ҳужум шаклида бўлган бўлса, ҳозир хавфсизлигимизга мафкуравий хуружлар, ноҳолис ахборотлар-

ни тарқатиш орқали қўпуровчилик ҳаракатлари содир этилаётди. Информацион урушда ютқазилган эса мустақилликни хавф остига қўйиши мумкин.

Бугун кималардир қурол сифатида фойдаланаётган сохта «демократия»ни мен тешиқ қопга ўхшатаман. Чунки бизга ёт гоғлар тўлдирилган қопнинг, тешигидан ёлғон, игво, сафсата, халқлар тақдирини четдан туриб ўзгартиришга уринишдек маккорона сиёсат қуйқаси тўкилиб бораётганга ўхшайди. Бу

ғараз ниятлар билан тўлдирилган қоп эса кимларнингдир, аниқроғи, ташқи кучларнинг манфаатига хизмат қилади.

Мен келажакда журналист бўлмоқчиман. Мақсадим ана шундай ёлғон ахборотларга ўз вақтида жавоб қайтариш, қатъий хулоса ва асослар билан муносабат билдириш, мустақил фикрга, ўз сўзимга эга бўлишдир.

Гулшоода ЖАББОРОВА,  
ЎзДЖТУ талабаси

## Дил иззори Савоб

Гуноҳ қиларканмиз ҳар кун, кун бўйи... Савобимиз ойда бир, йилда бир. Гуноҳлар тоғдек қалашганда савоблар тариқдек бўлармиш...


Гуноҳ — шошилиб гапирган гапимиз, бисмиллоҳ демасдан ичган ошимиз, каттани сен дея, кичикни турткилаб бездиришимиз, сингилга бемехр, укага беқадр эканлигимиз, онаизоримизни йўлимизга кўз тиктирганимиз, падар дилини оғритганимиз, фарзандларни ноҳўя қарғганимиз, шу тариқа давом этар санашларимиз... Бироқ бу ҳали ҳолваси. Яна қанча гуноҳларни бир куннинг ўзида кийимдек киямиз, кияверамиз, ёқмай қолса, уни ечиб, янгисини «сотиб олиб» кийишда давом этаверамиз...

Савоблар-чи? Йўқ, ҳали битта савоб ҳақида айтинг. Қулиб туриб бепарвогина: «Бугун онамни кўргани тўртта ноҳ олиб бордим», — деб қўя қоласиз, кейин яна сал кибр-ҳавони ҳам аралаштириб: «Ҳа-я, қўлига 5000 ҳам бердим», — дейсиз... Аммо шўрлик онанинг 5000 тунни тонгга улагани-чи?! Бу — онанинг савоби асли, сизники эмас. Сизникининг оти бошқа — бурч, фарз, қарз — сизникининг оти кўп, йўқ, савоб эмас...

Савобни онангиздан қидирманг ва ҳатто отангиздан ҳам, умуман уйингиздан қидирманг савобни. Бундан фақат бурчлар, қарзларнинг тўлови келиб чиқади. Яхшиси кўчага чиқинг, атрофга қаранг, синиб ётган шишанинг синигини четроққа қўйинг, шу сизнинг биринчи савобингиз бўлади. Бир кунингиз ўтди битта савоб билан, иккинчисини ўзингиз топинг, узоқ ўйлаб ўтирманг, унда у миннатга айланиб кетади. Миннатдан қочинг, у гуноҳнинг пойдеворидир.

Савоб қилин! Шукур қилин савобли ишга етказганига! Савобингиз илойим мўл бўлсин, қўл бўлсин, кетидан кетмас бир давлат ҳам берсин!

Фариза ҲАМИДОВА



Англамоқ бўлади сокин куз сирин,  
Унинг сийратидан нелар яширин?..

## Илҳом

### Ватан

Ватан, бу тун кечиб уйқудан,  
Сени мадҳ этмоққа аҳд қилдим.  
Шундай тотли, гўзал туйғуни  
Шараф дедим, улкан бахт билдим.

Баландпарвоз кўп шоирона  
Сўзлардан мен воз кечмоқчиман.  
Тупроқ кечиб, чанг кўчаларда  
Булоқлардан сув ичмоқчиман.

Хуш ҳидлари юзга уфурган,  
Хуш ифорли райҳоним — Ватан.  
Қалдирғоч ҳар баҳор ин қурган  
Нурли, файзли айвоним — Ватан.

Сенсиз қайга борардим ахир,  
Сенсиз бошим силарди ким ҳам?  
Сенсиз дадил тутмасдим қалам,  
Сен бошимда қайгурган отам.

Тандирлардан узилган қайноқ,  
Оҳ-оҳ, кулча нонимсан — Ватан.  
Йиқилсам гар пуфлаб тургизган  
Гиргиттоним, онамсан — Ватан.

Садоқат МАРАСУЛОВА,  
Фаргона туманидаги  
15-мактаб ўқувчиси

## Рамазон ғайлари

### Нафс ила баҳс

Ҳадислардан бирида бир соатлик тафаккур минг кечалик нафл ибодатдан афзал эканлиги айтилади. Дарҳақиқат, фикрлар жамламаси инсонни юксалтиради. У тоифаси, буй-басти, оғирлиги, қўйинги, ташқи қиёфа ва хислатларига кўра эмас, тафаккур уфқининг қанчалар кенг (ёки тор)лигига қараб жамият ичида ўз мавқеига эга бўлади.

Атрофимиздаги барча мавжудотлар бизга ўз ҳикматларини тилсиз сўзлаб, намоён этиб туради. Фақат кўп ҳолларда уларни кўрмаймиз, эшитмаймиз. Чунки кўз илғамас дунё ташвишлари, рўзгор ижир-чиқирлари деб олиб-югуриб юрамиз. Баъзан деразамиз олдидаги дарахтнинг барглари сарғая бошлагани ёки бутунлай бошқа барглари чиқарганини-да сезмай қоламиз. Муқаддас рамазон ойи бизга йилда бир бора олди-ю ортимизга қараш учун фурсат беради. Чунки нафсимиз ейиши-ичишдан тийилганида фикримиз тиниқлашади. Жалолиддин Румий ҳазратларининг ўхшатишларига бир эътибор қилинг-а: «Инсон оч ҳолда қамишга, янада аниқроғи ундан ясалган найга ўхшайди. Қамишнинг ичи бўш бўлгани учун ундан ясалган най энг мунгли ва ёқимли куй таратади. Аммо қамиш ёнида ўсадиган лужнинг ичи тўқ бўлгани учун у фақатгина ўтинга ярайди, холос».

Рамазон нафақат фикримизни, балки руҳимизни ҳам поқлайди. Чунки бу ойда шайтонлар кишанланади. Куннинг ортидан тун, куннинг ортидан ғам, иссиқнинг ортидан совуқ алмашиниб келгани сингари гоҳ инсоннинг ўзи ҳам мажозий маънода иккига — Ўз ва Нафсга бўлиниб туради. Нафс қийналган чоғларда Ўзга қарата баъзан шундай саволлар беради:

— Аллоҳ дейсан, қани ўзи, нега бор бўлса кўринмайди?  
— Шамол борми? — саволга савол билан жавоб беради Ўз.  
— Ҳа, — дейди ажабланиб Нафс.  
— Қани?  
Нафс индамайди. Чунки шамолни тутиб бўлмайди.  
— Жон қани? — дейди яна Ўз.  
Нафс индамайди. Жонни-да қўл билан кўрсатиб бўлмайди.  
— Қўлинг ўзингникими? — ажаб савол беради Ўз. — Оёғинг, қулоғинг, кўзинг-чи?

— Нега ўзимники бўлмасин? — тутқади Нафс.  
— Қаердан олгансан? Ўзинг ясаб олдингми ёки харид қилдингми?  
— Йўқ!  
— Унда нега меники дейсан? Ана, кўрдингми, биз ҳаммамиз яратилганмиш. Ўша сен тутиб беролмаган шамол ҳам, энг майда нарсалардан тортиб, энг катта сайёралар ҳам кимдир томонидан яратилган. Демак, Аллоҳ бор! Шунда Нафс истар-истамас мағлубиятини тан олади.

Шунга ўхшаш фикрлар, савол-жавоблар ҳосиласи ўлароқ инсон ўзини танийди. Ўзини таниган инсон камолот пиллапояларидан кўтарила бошлайди. Рамазон ойи эса инсонда сабрли бўлиш билан бирга борлиқдаги ҳикматларни илғай олиш хусусиятининг шаклланишида порлоқ маёқлардан бири саналади.

Билолиддин АБДУЛЛАЕВ

## Ҳикмат

### Қаноат

Қадим замонда бир подшоҳ бўлиб, унинг беҳисоб давлати ва лашкари бўлган экан. Шохнинг бир неча вазири бўлиб, уларнинг ичида Абу Ворис исмли вазири билан ёшлиқда бирга вояга етган экан. У билан доимо бирга юрар ва кўп маслаҳат сўраркан. Лекин вазирнинг бир хислати подшоҳга ёқмас, чунки шохнинг бошига нимаки тушмасин, вазир «Оллоҳнинг марҳаматини қаранг» деб жавоб қиларкан.

Бир кун шох қўлини кесиб олибди. Абу Ворис «Эй шохим, бу ҳам Оллоҳнинг сизга кўрсатган бир марҳаматидир», деб қўйибди. Абу Вориснинг гаплари подшоҳнинг жуда ғазабини кўзгатибди ва жаллодга вазир уйдан чиқиши билан бошини танасидан жудо қилишни тайинлабди.

Тонг отиб, шох жаллодни кута бошлабди. Аммо тушга қадар Абу Ворисдан ёки жаллоддан дарак бўлмабди. Подшоҳ вазирларини олиб Абу Вориснига борибди. Қараса, жаллод эшик тагида пойлаб турган экан. Подшоҳ уй эгаларидан изн сўраб ичкарига кирса, Абу Ворис қимирламай тўшақда ётганимиш.

Подшоҳ кулиб, «Сенга нима бўлди?» деб сўрабди. Абу Ворис «Қаранг шохим, Оллоҳнинг марҳаматини. Эрталаб таҳоратга кета туриб тўғри йўлда қоқилиб оёғим синди», дебди. Бундан ажабланган шох шундай дебди:

— Эй Абу Ворис, тўғри айтган экансан. Бошимизга ёғилаётган яхшилиқ ҳам, ёмонлик ҳам биргина Оллоҳнинг инояти экан. Шундай бўлмаганида сенинг бошинг танангдан жудо бўларди.

Хонбиби ҲИММАТ қизи тайёрлади

«МУШТАРИЙ МИНБАРИ» КУПОНИ № \_\_\_\_\_

Фамилиянги \_\_\_\_\_

Исминги \_\_\_\_\_

Отангизнинг исми \_\_\_\_\_

Туғилган йилинги \_\_\_\_\_

Манзилинги \_\_\_\_\_

Иш(ўқиш) жойинги \_\_\_\_\_

Қайси мавзуда чиқиш қилмоқчисиз? \_\_\_\_\_

## Ифтихор

XXIX ёзги Олимпия ўйинларида спорт гимнастикачимиз Антон Фокин ўзига билдирилган ишончни оқлаб, бронза медалини қўлга киритди.

Биз чемпионнинг кундалик ҳаёти, ютуқ ва камчиликларидан муштарийларни яқиндан таништириш мақсадида Фокин шуғулланадиган 14-сонли Ихтисослашган болалар ва ўсмирлар спорт мактабига бордик.

Пойтахтимизнинг Миробод туманида жойлашган ушбу БЎСМда спорт гимнастикаси маликаси Оксана Чусовитина ҳам таҳсил олган. 2005 йилда Германиянинг «Гупнова» жиҳозлари келтирилгач, машгулотлар сифати яхшиланиб, спорт мактаби директори Баҳодир Қурбоновнинг саъй-ҳаракатлари билан республикаимиз гимнастлари ўқув-машгулот ўтказадиган асосий даргоҳга айланган.

## Биринчи совға

Қаҳраонимиз Антон Фокин мактаб остонасини ҳатлаб ўтганида 6 ёшда эди. Бу ҳақда у шундай хотирлайди:

— Онам ойнаи жаҳонда гимнастикачиларнинг машқ бажаришини кўриб, менинг ҳам ушбу спорт тури билан шуғулланишимни истади ва 14-сонли ИОЗБЎСМга олиб келди. Бу ерда Анатолий Олушевдан спорт тури синоатларини ўргана бошладим. Биласиз, спорт мактаби ёнида ўрта умумтаълим мактаби ҳам бор. Мактаб таълимидан бўшашим ҳамано гимнастика залига югурардим.

— Илк мусобақангизни эслай оласизми?

— Тошкент шаҳар биринчилигида қатнашгандим. Унда биринчи ўрин насиб этиб, ўшанда менга уч дона китоб совға қилишгани ёдимда.

16 ёшимда, 1998 йили Республика чемпионатида зарур очколарни жамғариб, спорт устаси талабини бажардим. Уша йили илк бор ўтказилган МДХ ўсмирлар ўйинларида голиб чиқдим. Бу менинг дастлабки йирик мусобақа ва катта ғалабам эди. Шундан кейин машгулотларга янада эътиборлироқ, жиддийроқ ёндаша бошладим...

Антон 2001 йилда Бельгиянинг Гент шаҳрида ўтган жаҳон кубоги мусобақасида ўз дебютини нишонлади. Йилдан-йилга халқаро тажрибасини ошириб борган Антон тўрт йил ўтиб яна ўша Гентда Жаҳон кубогининг босқич мусобақасида брусда машқ бажариш бўйича 2-ўринни эгаллади. Бу ёш спортчимиз учун яхши натижа эди. У ҳозиргача мамлакатнинг бир неча бор чемпиони бўлишга эришган.

## Мураббийлари ҳақида

— Спорт гимнастикаси бўйича (1984 йилги) Олимпия ўйинлари голиби ҳамюртимиз Сергей Диамидов тажрибали мураббий Роберт Саркисовнинг шогирди бўлган. 2001 йилда айнан Роберт Герамовичдан сабоқлар олдим.

2002 йил юртимизга япон мутахассиси Рейши Наканума ташриф буюрди ва икки йил унинг қўл остида шуғулландим. Нака-

нума техник томондан билимларимни бойитди. 2005-2007 йилларда эса Александр Дубовцев устозлик қилди. Икки йилки, мусобақаларга мени Шухрат Мамадалиев тайёрлапти.

— Сиз 2006 йил Дохада ўтган XV Осиё ўйинларида ҳам яхши иштирок этдингиз...

— Тўғриси, бунда менга Даниянинг Архус шаҳрида ўтган жаҳон чемпионатида илк бор брус машқлари-

за медали олганимдаги хурсандчилигимни таърифлай олмайман. Мен ўзбек спорт гимнастикачилари шарафини ҳимоя қила билганимдан, қийин



## Антон Фокин:

# «Хитой юрагимда

# ўчмас из қолдирди»



да финалга чиққаним қўл келди. Орадан икки ой ўтиб, Осиё ўйинларида кўпкураш баҳсларида 6-ўриндан жой олдим, брусда эса финалга чиқдим.

— Пекин Олимпиадасидаги муваффақиятингизга 2007 йилдаги халқаро турнирлар муҳим кўприк вазифасини ўтагани аниқ...

— 2007 йилдан Шухрат ака мураббийлигида комбинацияларни ўзгартирдик, машгулотларни янада чуқурлаштирдик. Туркияда ўтган «Босфор кубоги», Москвада ташкил этилган «Воронин кубоги» халқаро турнирларида голиб чиқиш насиб этди. Германиянинг Штутгарт шаҳрида ўтган жаҳон чемпионатида брон-

машқлар самара берганидан бениҳоя шод эдим.

## Олимпиада талаби энгил эмас

— Пекин Олимпиадасида яхши натижага эришиш учун энг охириги, замонавий гимнастика жиҳозларида шуғулланиш талаб этиларди. Жаҳон кубогининг босқич баҳсларидан сўнг (2-ўрин) Грециянинг Солоники, Германиянинг Штутгарт шаҳарларида ўқув-машгулот йиғинларида бўлдик.

— Биринчи мусобақангиз, биринчи ғалабангиз, биринчи жаҳон

кубоги тўғрисида суҳбатлашдик. XXIX ёзги Олимпиада эса сизнинг ҳаётингиздаги биринчи Олимпия ўйинлари сифатида муҳланди. Келинг, Пекин таассуротларини ёдга олсак...

— Ватан шарафини муносиб ҳимоя қилиш ҳар бир спортчининг юксак орзуси. Масалан, Оксана Чусовитина кўпинча менга «Ўз орзуларингдан куч ол. Машгулотларинг вақтини кўпайтириб бориб, яхши натижалар сари интил», дея маслаҳат беради.

Пекинда кўпкураш бўйича 16-ўриндан жой олдим. Брусда эса учинчи ўрин ва

бронза медалига эришиш насиб этди. Таассуротлар ҳақида гапирсам, тўғриси, мен Хитойни ўртаҳол мамлакат, деб ўйлаб юрардим. Бироқ ҳаммаси ўзгача экан. Гўзал шаҳарлар, кенг кўчалар,



— Албатта, баъзан машқлар ёқмай қолиши мумкин. Бундай ҳолатларда бироз танаффус ҳам қилиб тураемиз.

## Режалар ва орзулар

— Спорт гимнастикасида энгил ҳаракат қилиш учун ортиқча вазнлардан халос бўлиш талаб этилади ёки семириб кетмаслик учун овқатланишни назорат қилишга тўғри келади.

— Бахтимга, мен семириб кетмайдиган инсонлар сирасига кирман. Яъни, нима есам ҳам, қанча есам ҳам вазним ошмайди. 57 кг. вазним ўзгармайди. Машқлардан кейин сарфлаган энергияни тиклаш учун турли меваларни истеъмол қиламан.

— Оилангиз ва дўстларингиз ҳақида қисқача...

— Сергей Галкин, Андрей Маркелов, Максим Тюрин менинг сафдошларим ва энг яқин дўстларимдир.

Оилам ҳақида гапирсам, 2002 йил уйланганман. Рафиқамнинг исми Елена. Ангелена исмли қизчамиз бор.

— Режаларингиз ва орзуларингиз...

— Ҳозир қайнонамникида яшаймиз. Машгулотларга эса, боя айтганимдек, автобусда қатнайман. Шунинг учун спорт мактаби атрофидан уй сотиб олиш ҳаракатида юрибман. Машина олиш ниятим ҳам йўқ эмас.

Орзуларим, Олимпиадада кўпкураш бўйича ютиш, брусда эса бу йилги бронза медалини олтин медалга айлантириш...

— Муштарийларга тилакларингиз...

— Мусобақалар, машгулотлар туфайли тез-тез жароҳат олиб тураман. Шу боис саломатликнинг қадрини биламан. Аввало, барчага соғлиқ тилайман. Ҳеч ким ҳеч қачон оғримасин. Тинчлик бўлсин, уруш бўлмасин.

кўп қаватли уйлар, меҳмондўст маҳаллий аҳоли фикримни тубдан ўзгартирди. Мусобақа ташкилотчилиги ҳам юқори даражада бўлди. Қолаверса, Хитой Олимпиаданинг бронза медалини қўлга киритишим муносабати билан ҳам ҳаётимда чуқур из қолдирди.

## Машқлар, машқлар, машқлар...

— Кун тартибингиз ҳам муштарийлар учун қизиқарли.

— Ўзим Юнусобод туманида яшайман. Эрталаб туриб, нонушта қиламан ва автобусда машгулотга жўнайман. Спорт мактабида соат 9:00 дан 12:00 гача шуғулланиб, шу маҳалладаги онаминг уйига бораман. Бу ерда тушлик қилиб, дам оламан ҳамда 15:00 дан 18:00 гача яна уч соат машгулот. Машқлар тугагач, яна уйга равона бўламан. Шанбада машгулотлар бир маҳал бўлиб, яқшанба эса дам олиш кунини ҳисобланади.


— Машгулотларнинг тизгилиги зериктириб қўймайдими?

Антон Фокиннинг Пекиндаги муваффақияти ҳукумати-миз томонидан муносиб эътироф этилди. Унга Президентимиз Фармони билан «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган спортчи», устози Шухрат Мамадалиевга эса «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган мураббий» унвони берилди.

Акмал АБДИЕВ суҳбатлашди.

Жазон касаба уюшма етакчилари фаолиятидан

Шахтёрлар ва бошқа кончилар иштирок этадиган низолар «неолиберал иқтисод» кун тартибига чиққанидан сўнг ҳақиқатга айланди. Ер ости бойлиги эркин бозорда турлича нархланади. Энг арзон кўмир очиқ усул билан қазиб олинади. Масалан, Австралияда. Кўмирни ер остидан қазиб олиш давлат бюджетидан улкан дотацияларни талаб қилади. Ўтган асрнинг 80-йилларида, рейганомика ва тетчеризм империалистик ҳукуматларнинг узоқ муддатли стратегиясига айлангач, саноатнинг зарар кўриб ишлайдиган соҳаларида, жумладан кўмир саноатида кискартиришлар бўлди. Хусусан, Буюкбританияда Тетчер ҳукумати шахтёрлар сонини камайтирди. Бунга жавобан 1984 — 1985-йилларда инглиз шахтёрлари иш ташлашлар уюштирди. Совет Иттифоқининг тарқалиши ва мулкчилик шаклининг ўзгариши деярли ҳамма собиқ социалистик давлатларда жуда кўп шахталарнинг ёпилиши ва ишчилар сонининг кискартирилишига олиб келди. Бунга жавобан Германия ва Полшадаги норозиликлар ҳамда Сибирдаги «релс уруши» бўлиб ўтди.



# Сотилмаган

# Мирон Козма

Руминия шахталарида рақобатбардош бўлмаган кўнғир кўмир қазиб олинади, унинг таннархи бозордаги баҳосидан бир неча баробар юқори эди.

1999 йил 7 январда Руминия ҳукумати яна 37 та шахтани ёпиш режасини эълон қилди. Шахтёрлар иш ташлашни бошлаб юборишди ва ҳукуматдан бу дастурни бекор қилиш ҳамда маошларини 35 фоиз оширишни талаб этишди.

Ҳукумат бу таклифни қатъиян рад этди. Шундан сўнг кончилар пойтахтга қараб йўл олишди. Уларнинг йўлбошчиси Руминия касаба уюшмалари бош конфедерацияси аъзоси, шахтёрлар касаба уюшмалари етакчиси Мирон Козма эди. Конларнинг аксарияти жойлашган Жиу водийсида шу иш тўғрисида полициячилар ва шахтёрлар ўртасида ҳақиқий жанг кетди. Полициячилар шахтёрларга қарата кўздан ёш оқизувчи газ ва иссиқ сув сеппишган бўлса, шахтёрлар уларга тош, занжир ва темир буюмларни отишарди. Ўнлаб полициячилар асирга олинади. 15 минг кончи Тиргу-Жиу шаҳрининг маъмурий марказини эгалладилар, шаҳар аҳолиси эса уларни хурсандчилик билан қарши олди. Бироқ ҳукумат ҳам қатъий чоралар кўришга киришди. 1999 йил 19 январда Руминиянинг ўша пайтдаги президенти Э.КонстантINESКУ бош вазир билан бирга ҳукуматнинг фавқулодда мажлисини чақирди. Полиция ва махсус қисм шахтёрларни тўхта та олмади, улар ҳокимиятни эгалламоқчи деган хулосага келинди. Мудофаа вазир бу ишга армия аралашishi мумкинлигини билдирди.

1999 йил 21 январда Руминия ички ишлар вазир Г.Дежеу истеъфога чиқди. 22 январга ўтар кечаси Руминия мудофааси олий кенгаши мажлис қўзғатди. 22 январ кун шахтёрлар ҳукуматдан ултиматум олишди: агар улар ортга қайтмаса, мамлакатда фавқулодда ҳолат эълон қилинади. Армия жанговар ҳолатга келтирилди. Пойтахтдан 54 км узоқликдаги шосседан бетон тўсиқлар ўрнатилди. Танк ва бронетехникалар келтирилди. Намойишчилар билан полициячиларнинг бу галги тўқнашувида 140 киши, асосан полициячилар яраланди.

1999 йил 22 январ. Парламентнинг тезкор мажлиси чақирилди. Бош вазир Р.Василенинг ўзи Руминия православ чerkови воситачилигида пойтахт йўлидаги монастырлардан бирида шахтёрлар билан музокара ўтказди.

1999 йил 23 январ. Ҳукумат ён



берди ва кончиларнинг ҳамма талабларини бажаришни — шахталарни ёпмаслик ва ойликни 30 фоиз оширишни ваъда қилди.

1999 йил 24 январ. Оммавий ахборот воситаларининг хабар беришича, касаба уюшма етакчиси М.Козма Европа Иттифоқи кредитидан 200 минг долларни шахтёрлар ҳисобига ўтказишга эришди. Шундай қилиб, Руминиядаги шахтёрлар кўзголни ғалаба билан якун тогандек бўлди.

1999 йил 26 январ. Руминиядаги ислохотлар йўналишини белгилаб берувчи Халқаро валюта фонди (ХВФ) ҳукуматдан қатъий чоралар кўришни талаб этди. ХВФ талабига кўра, яқин ойлар ичида давлатнинг кимё, енгил саноат ва металлургия соҳаларига тегишли 30 та йирик корхонаси ёпилиши керак эди.

1999 йил 14 феврал. Норозилик тўлкини босилганини ҳисобга олган мамлакат президенти шахтёрлар ҳаракатини ўз етакчисидан маҳрум этишга қарор қилди. Касаба уюшма етакчиси Козма Олий суд томонидан 18 йилга озодликдан маҳрум этилади.

1999 йил 16 феврал. «Валя Жиулуй» шахтёрлар касаба уюшмалари лигаси ўзининг тунги ййгилишида М.Козмани охиригача қўллаб-қувватлашга қарор қилади.

1999 йил 17 феврал. Қарийб 4 минг нафар шахтёр тош ва занжирлар билан қуролланиб, Бухарест томон йўл олади. Уларга бу гал Ромео Бежа етакчилик қилади. Шахтёрлар ҳукуматдан Олий суд қарори бекор қилинишини талаб қилмоқчи эдилар. Стопешти районида шахтёрлар полиция махсус қисмининг сара бўлимлари томонидан тўхтатилди. Шафқатсиз жангда юзлаб одамлар яраланди, чунки кучлар тенг эмасди. Касаба уюшма етакчиларидан тўртта-

си қўлга олинди ва қамоққа ташланди.

ХВФ Руминия ҳукуматига июл ўрталаригача кредит берилмаслигини маълум қилди. Бу қадар кечикишнинг сабаби Бухарест шу вақт мобайнида ислохотларни давом эттиришга қодирлигини исботлаши зарурлиги билан изоҳланди.

Руминиядаги шахтёрлар исёндан кейин Революцион ишчилар партияси (Россия)нинг веб-саҳифасида «Мирон Козма озод этилсин!» сарлавҳали мақола чоп этилди. Унда шундай дейилади:

«Бизнинг қаршиликларимиз, мақолалар орқали эътирозларимиз ишчиларга давом эттирилган йўлбошчиларини қамоқдан озод қилиш йўлида ҳеч нарса бермайди. Ишчилар ҳимояга муҳтож бир пайтда минглаб жимжимадор сўзларнинг умуман қадри йўқ, аммо сўз ҳам уларнинг бир қорига яраб қолар. Биз Чаушескунинг шафқатсиз ва жоҳилона жиной ҳаракатларини такрорламоқчи бўлган режимнинг бундай қилишига йўл қўймаймиз. Биз Мирон Козма ва унинг дўстлари озод бўлиши учун овоз берамиз. Руминиялик ишчилар бизнинг овозимизни эшитишади. Интернационализм дегани барча мамлакатлар ишчиларининг буржуяларга қарши ҳамкорликдаги курашидир».

Сўз ҳақиқатан ишга айланди. 2007 йил декабр ойининг бошида ишчилар ташкилотларининг узоқ йиллар давом этган қаршиликлари натижасида Мирон Козма қамоқдан озод қилинди. Қамоқдан чиқар экан, Козма шундай деди: «Мен ўзимни яхши ҳис қилаяман. Мени йўқотишни кўзлашганди, бу нарса, аксинча, менга янада қудрат берди. Ун йилча қамоқда ўтирдим, бироқ шунда ҳам коррупционер сиёсатчиларнинг таъзирини беришга эришдим. Улар менинг устимдан ғалаба қозондим десалар, янглишишади».

2008 йил 2-3 феврал. Козма Парижда бўлиб ўтган Меҳнатқашлар ва халқларнинг халқаро иттифоқи томонидан ташкил этилган

Европа давлатлари ишчилар фаолларининг халқаро конференциясида қатнашди. Мазкур иттифок уни озод этиш кампаниясида илгорлар сафида бўлган эди.

2004 йил декабрда президент Илиеску ваколати тугашидан бир неча кун олдин Козмани авф этиш тўғрисида қарор қабул қилади. Аммо Европа Иттифоқи ваколатхонасининг қатъий қаршилигига учрагач, Бош вазир билан маслаҳатлашиб ўзи чиқарган фармонни бекор қилади ва истеъфога чиқиб кетади.

2005 йил 14 июнда Крайов шаҳри суди Мирон Козмани озод қилади. 28 сентябрда яна Руминия олий кассация суди ҳукмига кўра 10 йилга озодликдан маҳрум этилади. Жами бўлиб унга берилган муддатларни ҳисобласак, 2006 йил июнгача у яна 13 ой ўтириши керак эди. Аммо Козмани шартли равишда озод қилиш ҳақидаги сўрвнома 2006 йил 2 июнда бе-

лабалар етакчиси Мариан Мунтяну менга қарши ҳеч қандай кўрсатма бермади. Аммо бу суд ҳукмига заррача таъсир қилмади.

Мен ва бошқа касаба уюшма етакчилари Бухарестдаги сиёсий ўйинларга қарши эдик, холос. Бизнинг мақсадимиз ҳар доим ишчилар манфаатини ҳимоя қилиш, уларга яхши шaroит яратиб бериш ҳамда меҳнатига яраша ҳақ тўлашини кафолатлаш бўлган.

1994 йили касаба уюшмалари бош конфедерациясига шахтёрлар, транспорт ва метро ходимлари кирар эди. Биз ҳақиқий кучга эдик. Ҳаммаси 1996 йилда бошланди, яъни Виктор Чорба ХВФдан 500 минг доллар олиш ҳақидаги битимни имзолади. Бундан кўзланган мақсад: биринчидан, шахталарни ёпиш ва шахтёрларни ишдан бўшатишни таъминлаш; иккинчидан, касаба уюшма бош конфедерациясини йўқ қилиш эди. Биз бор кучимизни ана шу

кор қилинади. Мирон Козма Европа давлатлари ишчилар фаолларининг халқаро конференциясидаги нутқида шундай деганди:

«Мен умр бўйи маошга ишладим. 1970-йиллардан бошлаб шахтада ишлай бошладим. 1990-йиллар бошида Руминиядаги биринчи демократик касаба уюшмаси етакчиси бўлдим. Агар ўша пайтларда ҳукумат учун ишлаган бўлсам, нима учун 10 йил умрим қамоқда ўтди? Ўша пайтларда ҳақиқатан ҳам ҳукумат учун ишлаганлар бугунги кунда ҳокимият тепасида, бой-бадавлат. Менинг эса ҳатто уйим йўқ, дўстимникида тураман. 1990-йилларда Руминия ҳукумати барча касаба уюшма етакчиларини сотиб олмоқчи бўлди. Виктор Чорба касаба уюшма етакчиси эди, бош вазир лавозимини эгаллади. Менга эса 1994 — 1995-йилларда ички ишлар вазирлиги бўлишни таклиф қилишди. Лекин бунинг ўрнига қамоққа тушдим. Чунки сотилмадим».

Мени ўзим иштирок этмаган ишда айблашди. Петре Рқман, Илиеску ва Басескуларнинг ўзлари шу ишни бир-бирини қоралаш ва ҳокимият учун кураш мақсадида ташкил қилдилар. Уларнинг энг асосий мақсади — Руминияда ҳам катта кредитлар олишга арзигулик муаммолар борлигини ХВФга кўрсатиб қўйиш эди.

Ҳукумат аскарларга шахтёрлар кийимини кийдириб, талабалар ва ўқитувчиларни калтаклатган. Та-

мақсадларни рўйбга чиқармасликка қаратдик. Натижада эса «давлатга қарши бузғунчилик фаолияти учун» қамалган ягона руминга айландим.

Креқан, Бежа ва Тиргу-жиулик бошқа касаба уюшма етакчилари 1991 йили Бухарестда эмасдилар, лекин улар ҳам шахталар ёпилишига қарши чиққанлар қаторида қамоқда ўтирибди. Биз ҳаммамиз ҳукуматнинг ваъдасига ишонгандик. Ўша пайтда уларга касаба уюшма фаолларини кўрқитиш муҳим эди: «Қаранглар, Козмани қамадик. Агар сиз ҳам қаршилик қилсангиз, бошингизга шундай кун тушади». 2004 йили Илиеску лавозимидан кетишидан олдин менга шафқат қилмоқчи бўлди, бироқ Европа Иттифоқининг қаршилиги тўғрисида бундай бўлмади. Нимага-лиги тушунарли».

2007 йил 2 декабрда Козма озод қилинди. Лекин уни Бухарест ва Жиу водийсида яшаш ҳуқуқидан маҳрум қилишди. Бу унинг фаолиятига, тақдирига қанчалик таъсир қилади, бунга биламиз. Лекин бир нарсани ёддан чиқармаслик керак: инсон тақдири арзиманган фурсатларда ҳал қилинмайди. Ваҳоланки, Козма ишчиларнинг манфаатлари учун курашган ва бу йўлда ҳамisha касаба уюшма ҳаракатига таянган эди. Бу яхшиликлар ҳеч қачон унутилмайди.

Хориж матбуоти материаллари асосида Дилдора РАҲМОНОВА тайёрлади

Тошкент шаҳар Автомобил, дарё, электр транспорти ва йўл ҳужалиги ходимлари касаба уюшмаси кенгаши жамоаси кенгашининг ҳуқуқшуноси Икром Якубовга падари бузруквори **ЭРКИН** аканинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Тошкент вилоят металлургия ва машинасозлик саноати тармоқлари ходимлари касаба уюшма кўмиталари раислари Кенгаши жамоаси «Qizilqumserg ayratkorlar» ёпиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятининг касаба уюшма кўмитаси раиси **Кобилжон АБДУЛЛАЕВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

## Бошқа бундай тез ҳайдама!

Сержант ўз бўлинмасини назоратчи полковникнинг ташрифига тайёрламоқда:

— Полковник одатда учта савол беради: «Ёшингиз нечада? Қанчадан бери хизмат қилаяпсиз? Ҳарбий ҳаёт яхшими ёки фуқаролик ҳаёти?» Кулоқларингга кўргошиндай қуйиб олинглар. Сизлар шундай жавоб беришларингиз керак: «Ҳа, тўққиз», «Олти ой», «Иккаласи ҳам».

Айтилган кунда полковник ташриф буюрибди. У аскарлар сафи олдида ўта туриб, бировини саволга тутибди:

— Хизматингизга неча йил бўлди?

— Ҳа тўққиз!

— Ёшингиз нечада?

— Олти ой!

Полковник аскарга энгашиб, паст овозда, дўстона оҳангда сўрабди:

— Нима деб ўйлайсан, кимнинг калласи жойида эмас, меникими, сеникими?

— Иккаласи ҳам!

Болтавой мактабдан келибди — телпага лойга қоришиб ётибди. Ойсининг жаҳли чиқиб:

— Қани гапириб бер-чи, нима бўлди?

— Болалар бошимдан телпагимни юлиб олиб, футбол ўйнашди.

— Сен-чи, сен, ҳеч нарса қилмадингми?

— Мен дарвозада турдим.

Маст киши таксига ўтирибди:

— Мени зудлик билан Амир Темур кўчасига элтинг!

Ҳайдовчи:

— Лекин биз Амир Темур кўчасида миз-ку?!

— Ма, манави минг сўмни ол-да, бошқа бундай тез ҳайдама!

— Алло, яхши киз, менга хотинимни улаб беринг!

— Номери қанақа?

— Нима, мен шохманмики, хотинларимни номерлаб юрсам?!

— Алло, яхши киз, менга хотинимни улаб беринг!

— Номери қанақа?

— Нима, мен шохманмики, хотинларимни номерлаб юрсам?!

— Алло, яхши киз, менга хотинимни улаб беринг!

— Номери қанақа?

— Нима, мен шохманмики, хотинларимни номерлаб юрсам?!

— Алло, яхши киз, менга хотинимни улаб беринг!

— Номери қанақа?

— Нима, мен шохманмики, хотинларимни номерлаб юрсам?!

— Алло, яхши киз, менга хотинимни улаб беринг!

— Номери қанақа?

— Нима, мен шохманмики, хотинларимни номерлаб юрсам?!

— Алло, яхши киз, менга хотинимни улаб беринг!

— Номери қанақа?

— Нима, мен шохманмики, хотинларимни номерлаб юрсам?!

— Алло, яхши киз, менга хотинимни улаб беринг!

— Номери қанақа?

— Нима, мен шохманмики, хотинларимни номерлаб юрсам?!

— Алло, яхши киз, менга хотинимни улаб беринг!

— Номери қанақа?

— Нима, мен шохманмики, хотинларимни номерлаб юрсам?!

— Алло, яхши киз, менга хотинимни улаб беринг!










— Номери қанақа?

— Нима, мен шохманмики, хотинларимни номерлаб юрсам?!

— Алло, яхши киз, менга хотинимни улаб беринг!

— Номери қанақа?

— Нима, мен шохманмики, хотинларимни номерлаб юрсам?!




Фолбин «мижози» — аёлга:  
— Эгачи, эрингизни хавф-хатар кутмоқда. Яқинда сиз бева қоласиз!  
— Буни биламан! Айтингчи, мени қамаб қўйишмай-димми ишқилиб?

Икки жарроҳ суҳбатлашмоқда. Биринчиси дебди:

— Тасаввур қил-а, оғайни, кеча туш кўрибман. Мен профессор эканман, юракни операция қилаётган эканман, атрофимда ассистентлар, ҳаммаси фан докторлари, сен эса пешонамдаги терни дока билан ар-тиб турган эмишсан!.. Иккинчиси:

— Мен эса тушимда ўлиб қолибман. Жаннат дарвозалари олдига борибман. Фаришталар эса мени ичкарига киритишмабди: «Сен тирик-лигингда жарроҳ бўлгансан, инсонларнинг танасини кесиб, уларга азоб бергансан», дейишди. Шу вақт сени жаннат ичида кўриб қолдим. «Нега Тошматовни киритдиларинг, ахир у ҳам жарроҳ-ку!» — дедим.

Фаришта эса: «Ким жарроҳ?! Тошматов жарроҳми?! Жарроҳ эмас у қассоб!!!» деди.



Рассом Шавкат МУЗАФФАР

## Изоҳи сиздан...



Сув остида сичқонлар Мамлақати бор эмиш, Деб эшитган ғаввос Мош, Кетмоқда излаб эмиш.

**Шухрат ХАЛИЛОВ,**  
Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Навоий вилоят кенгаши раиси


«Тюлен» тўйга айтганди, Борайин мен бу дафъа. Ўтган сафар бормайин, Уни қилгандим хафа.

**Рустам САТТОРОВ,**  
Наманган шахри



Таътилда хўжайиним, Оромгоҳ томон елди. Мехрибон-да жудаям, Мени ҳам ола келди. Хурсанд қилай деб уни, Сув остига тушаман. Ва энг катта балиқни, Танлаб, олиб чиқаман.

**Асадулла МИРЗААКБАРОВ,**  
«Ҳамкорбанк» ОАТБ бирлашган касаба уюшмалари кўмитасининг раиси



Энди навбатдаги суратга изоҳ топинг-чи?

## Мунажжам башорати

(22-28 сентябр)

**Орзуингиздаги инсонни учратишингиз мумкин.** Иш жойингизда юқори погоналарга кўтарилишда кўмак берувчи ҳамкорларни учратасиз, иш билан боғлиқ саволларга жавоб топасиз. Сешанба кундаги муҳим ишларни кейинги ҳафтага қолдириб. Уй таъмирлаш ишларини ҳафтанинг бошида бошлаган маъқул.

Сизнинг эркин фикрингиз атрофдагиларга унча хуш келмаслиги мумкин. Шунинг учун уларга муносабатингизни ўзгартиришга тўғри келади. Чоршанба ва пайшанба бошлаган ишларни тартибга келтириб. Қутилмаган танишувлар имкониятларингиз кенгайишида ёрдам беради.

Ҳафтанинг биринчи ярми ҳамкорлар билан муносабатларни яхшилаш учун қулай вақт. Душанба сизни қўлаб-қувватлайдиган соҳа вакилларини учратасиз. Чоршанбада ўзингизга яқин инсон билан сўхатта чиқишингиз мумкин. Ҳафтанинг иккинчи ярмида муҳим муаммоларни ҳал қилишда шошилманг.

Ташқи кўринишингизга эътибор беринг. Гўзаллик салонлари, физиотерапия, ўқалаш муолажалари сизни тетиклаштиради. Чоршанбада қутилмаган соғва оласиз, янги танишлар орттирасиз. Машиий техникалар сотиб олишда мутахассис билан маслаҳатлашинг.

Муҳаббат ботида ҳафта жуда омадли кечади. Романтик учрашувлар тўй тантаналарига сабаб бўлиши мумкин. Дам олиш кунлари учрашув белгиламанг. Иш режасида анча кескин ўзгаришлар юз бериши мумкин. Шунинг учун ҳар қандай вазиятга тайёр туринг. Парҳезли таомлар истеъмол қилинг.

Зиддиятларга дуч келишингиз мумкин. Лекин бундай пайтда яқинлар билан муносабатда чегарадан чиқманг. Ишда ҳам ижобий ўзгаришлар сезилади. Пайшанбада эски қадрдонлар, синфдошлар билан учрашасиз. Электр жиҳозлари билан ишлашда техника қридаларига риоя қилинг.

Ҳафта тинч ва осуда ўтади. Пайшанбада унумли ижод қилишингиз мумкин. Турли тадбирлар, концерт, дам олиш масханаларига боринг. Агар ҳафта соҳирда бирор топшириқ олсангиз, уни бажаришга астойдил киришинг. Натига ижобий бўлади.

Ҳафта ечимини қутаётган муаммоларга тўла бўлади. Душанбада фаолият билан боғлиқ қарор қабул қилишга тўғри келади. Тижорат ишларида қўзланган даромадди ололмайсиз. Кайфиятни туширманг. Чоршанбада муҳаббат ботида ахобий учрашув бўлади. Шанбада дам олинг, бўш вақтингизни фарзандларингиз билан ўтказинг.

Қутилмаган вазиятларда кескин ҳаракат қилманг. Ҳафтанинг биринчи ярми оилавий масалаларни ҳал қилишда қулай. Уй-рўзгор буюмлари сотиб олсангиз адошмайсиз. Ҳафтанинг иккинчи ярмида янги ишларни режалаштирманг. Соғлигингизга эътибор беринг.

Шахсий ҳаётга доир ишларни амалга ошириш ҳафтанинг биринчи ярмида ижобий натижа беради. Чоршанбада тасодифий танишувлар бўлади. Пайшанба кун ишда мураккаб муаммони вазият юзага келади. Бор куч ва имкониятни муаммони бартараф қилишга қаратинг. Фарзандларингиз соғлигига эътибор беринг.

Ҳафтанинг бошланишида иқтисодий муаммолар ҳал бўлади. Хушқачқалик ва самимийликни йўқотманг. Пайшанбада ижод соҳиблари учун омад кулиб боқди. Жума кун ҳушёр бўлинг, рақиблик режангизни ўзгартириб юбориши мумкин. Дармондориларга бой салатлар истеъмол қилинг.

Яқинлар билан муносабат яхшиланади. Тасодифий учрашувлар ва танишувлар бўлиши қутилмоқда. Машиий техника воситалари сотиб олиш учун ҳафта самарали бўлади. Пайшанбада катта ишларни режалаштирманг. Жума кун касбий фаолиятга доир муҳим тақлифлар бўлиши қутилмоқда.

<b>Ishonch</b> <b>МУАССИС:</b> Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси	<b>Бош муҳаррир</b> Абдуҳолик АБДУРАЗЗОҚОВ <b>Тахрир ҳайъати:</b> Алла Долженкова, Анвар Юнусов, Довуд Мадиев (Бош муҳаррир ўринбосари), Жаҳонгир Шарофбоев (масъул котиб), Маъмура Адилова, Мирзохид Содиков, Нормамат Аллаёров, Носирхон Акбаров, Ойсулув Нафасова, Пиримқул Қодиров, Соғиндиқ Ниетуллаев, Шамси Эсонбоев	<b>Бизга кўнгирак қилинг:</b> Котибият: 256-52-78 Хатлар бўлими: 256-85-43	Бизнинг манзил: 100165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй, Нашр кўрсаткичи: 133; 134	Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади.	<b>Навбатчи котиб - Ж.Шарофбоев</b> <b>Навбатчи - Д.Раҳмонова</b> <b>Мусаҳҳих - Ш.Абдусаматов</b> <b>Саҳифаловчи-дизайнер:</b> Х.Абдуҷалилов Буғуртма Г-814 Тиражи: 11004 Босишга топшириш вақти - 21.00 Топшириш вақти - 20.30 Соғувада эркин парҳиз 1 3 4 5 6 7 8
		Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0116-рақам билан рўйхатга олинган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-3. Ҳажми 4 босма табоқ.	«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.	Муаллифлар фикри тахририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин. Нашримиздан кўчириб босилганда «Ishonch»-дан олинганлиги кўрсатилиши шарт. Тижорат аҳамиятига молик материаллар ① белгиси остида чоп этилади.	